

Ўзбекистон Республикаси ИИВ наشري

ПОСТДА

Газета 1930 йил 12 майдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси ИИВ наشري • 2002 йил 7 ноябрь, пайшанба • 45 (3469)-сон

САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАМАН

Ички ишлар идоралари ходимлари, хизматчилар, ҳарбий қисмларнинг зобит ва аскарлари, таълим муассасалари ўқитувчи-профессорлари, тингловчилар, курсантлар, ички ишлар идоралари фахрийлари, хизмат бурчини бажариш пайтида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзолари ни 10 ноябрь — Касб куни билан самимий муборакбод этаман.

Эл-юрт осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш,

қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдаги масъулиятли ва шарафли ишингизда улкан зафарлар ёр бўлсин.

Сизларга ва оила аъзоларингизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, дастурхонингизга қут-барака тилайман.

З. АЛМАТОВ,

Ўзбекистон Республикаси

Ички ишлар вазири,

ички хизмат генерал-полковниги.

ИККИ АВЛОД УЧРАШУВИ



Ҳар бир соҳада йиллар мобайнида тўпланган тажриба, унинг авлоддан авлодга ўтиши муҳимдир. Милиция соҳаси ҳам бундан истисно эмас.

Сочларига киров кўнган фахрийлар, улар генерал ёки оддий сафдор бўлишидан қатъи назар, шонли анъаналарни кўз қорачиги-

дек асраб, муқаддас билиб, келгуси авлодга етказиш йўлида кўп ишлар қилишяпти. Улар шахсий ташвишларини бир чеккага қўйиб, бугунги кунда милиция сафида хизмат қилаётган ходимлар билан учрашувга шошадилар. Фахрийлар билан ёш авлодни ёнма-ён кўрганнимизда мамлакатимизнинг тинч-

лик-хотиржамлиги, жамоат хавфсизлиги ишончли қўлларда эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Суратда: истеъфодаги милиция генерал-майорлари Н. Иброҳимов (чапдан ўртада) ва Ш. Ҳасанбоев ёш ходимлар билан учрашув пайтида.

ОБУНА —2003



ИНДЕКСЛАРИМИЗ:

«ПОСТА» — 180 (366) «НА ПОСТУ» — 169 (367)
«QALQON» — 970 (1083) «ЩИТ» — 971 (1084)

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Поста», «На посту» газеталари ҳамда «Qalqon» ва «Щит» журналларига 2003 йилнинг биринчи ярми учун обуна давом этмоқда. Обуна «Матбуот тарқатувчи» ОТАЖ орқали ҳамда барча алоқа бўлимларида амалга оширилади.

Жиноят қидирув хизмати воқеалари, терговчи хотиралари, суд очеркларига қизиқсангиз, нашрларимизга обуна бўлинг. Газеталаримиз саҳифаларида мамлакатимиз ва дунё спорт янгилликлари, теледастурлар, мунажжимлар башорати билан ҳам мунтазам танишиб борасиз. Кроссворд, сканворд ишқибозлари учун алоҳида саҳифаларимиз бор. «Саломатлик», «Ниҳол» каби руҳларимиз остида бериладиган мақолалар сизни бефарқ қолдирмайди деб ўйлаймиз.

КЕЙИН АФСУСЛАНМАЙ ДЕСАНГИЗ, ГАЗЕТА ВА
ЖУРНАЛЛАРИМИЗГА ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ.

Ибрат

ФАХРИЙЛАР САМАРҚАНДДА

Бухоро вилояти ички ишлар идораларининг бир гуруҳ фахрийлари Самарқанд шаҳрига ташриф буюришди. Улар қадимий, лекин ҳамиша навқирон шаҳримизнинг Хўжа Исмоил зиёратгоҳи, Улуғбек расадхонаси, Ал-Мотрудий қабри, Шоҳи-Зинда хотира мажмуаси, Бибиҳоним, Хўжа Аҳрор Валий мадрасалари каби тарихий обидаларини зиёрат қилдилар.

Уларга вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосарлари — ички хизмат полковниги В. Хўжакулов, ички хизмат подполковниги Р. Эгамов, вилоят ИИБ Фахрийлар кенгашининг раиси, истеъфодаги милиция полковниги У. Дўстбеков ва бошқалар ҳамроҳлик қилдилар.

Ташриф сўнггида Бухоро вилояти ИИБ Фахрийлар кенгашининг раиси С. Саломов сафар фахрийларда катта таассурот қолдирганлигини зўр ҳаяжон билан сўзлаб, кўрсатилган эътибор учун мезбонларга чуқур миннатдорчилик билдирди.

С. ЗОҲИДОВ.

Тадбир

БОЛАЛАР СПОРТИ — ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Яқинда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш борасида Президентимиз Фармони ва ҳукуматимиз Қароридан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б. Махситов, Миллий олимпия қўмитаси раҳбари С. Рўзиев, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, қатор жамоат ташкилотларининг масъул ходимлари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Анжуман қатнашчилари Фармон ва Қарорнинг аҳамияти ҳақида тўхталишди. Хужжатларда жамғарманинг манбалари, вазифалари аниқ белгилаб берилган.

Юртимиз вакиллари спортнинг кўплаб турлари бўйича мактанга арзигулик ютуқларни кўлга киритишяпти. Яқинда бўлиб ўтган Осиё ўйинлари ҳам бунга яққол мисолдир. Агар оммавий спортни ривожлантиришга эришсак, бу муваффақиятлар янада кўпаяди. Бундан ҳам муҳиман, болалар спортининг ривожини ёш авлодни ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом қилиб камолга етказиш гаровидир. Болалар боғча ёшидан жисмоний тарбия ва спортга ошно бўлса айна муддаодир. Юқоридagi Фармон ва Қарор ана шу жиҳатдан ҳам қадрли.

Энди ҳамма гап уларнинг ўз вақтида ва аниқ ижро этилишида қолган.

Ўз мухбиримиз.

ПУХТА ҲОЗИРЛИК

Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасида навбатдаги ўқув йили олтидан хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлик бўйича ўқув-услубий семинар ўтказилди.

Семинарда жойлардаги ички ишлар идораларида машгулотларни ўтказиш учун масъул бўлган ходимлар қатнашишди. Улар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган мавзулар рўйхати, янги услубий қўлланмалар, йўриқномалар билан таништирилди. Машгулотлар ўтказиш жадвалларини ишлаб чиқишда ички ишлар идораларида кечаётган ислохотлар талаблари ҳисобга олинди.

Ҳуқуқий тайёргарликка ҳам катта аҳамият берилаяпти. Хусусан, Ўзбекистон Конституциясини, қонунчиликдаги ўзгариш ва қўшимчаларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган.

Тадбир сўнггида қатнашчилар билан касбий ва жанговар тайёргарлик бўйича савол-жавоблар қизиқарли ўтди. Уларга зарур ўқув-услубий қўлланмалар тарқатилди.

Н. АЛИМОВ.

УСЧИНСНИ «Постда» gazetasing ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR,
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

TV LAM

Огоҳликка даъват

Юртошларимизнинг хабари бор, биргина октябрь ойида халқаро террорчилар дунёнинг турли бурчакларида тинч аҳолига тажовуз қилишди, қўпуровчилик ишларини амалга оширишди. Масалан, 17 октябрь куни Индонезиянинг Бали оролида бир неча автомобиль портлатиб юборилди. Бунинг натижасида 700 нафардан ортиқ бегуноҳ одамлар ҳалок бўлди. 300 нафардан ортиқ киши оғир жароҳат олди. 23 октябрь куни Москвадаги Маданият саройида бир гуруҳ қуролланган террорчилар фуқароларни гаровга олишди. Олиб борилган музокаралар самара бермагач, улар йўқ қилинди. Яна бегуноҳ одамлар бу ҳаёт-

дан кўз юмди. Хуллас, халқаро терроризм Ер куррасининг турли бурчакларида қонли из қолдирмоқда. Хўш, бундан қандай хулоса чиқаришимиз лозим? Терроризм балосига қарши кураш вазифаси долзарб бўлиб турган бир пайтда сиёсий шарҳловчи Қ. Аъзамов ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматовнинг пойтахтимиздаги бир гуруҳ маҳалла оқсоқоллари, профилактика инспекторлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, журналистлар ва талабалар билан уюштирган жонли мулоқоти диққатга сазовордир. Эътиборингизга ушбу мулоқотни ҳавола этаёмиз.

ларни жиддий белгилаб олиши зарур. Чиндан ҳам терроризмнинг чегараси йўқ. Маҳалла катталари, фаоллар лоқайдликка чек қўйишлари талаб этилади. Ҳар биримиз ўз уйимиз, маҳалламизни ўзимиз асрашимиз зарур.

Ш. Орипов ("Гулистон" журнали масъул котиби):

– Инсоният терроризм балосига илк бор дуч келаётгани йўқ. Шунча қурбонлар бериб, талафотлар кўриб ҳам кўзимизни очиб, сергак бўлишга улгурганимиз йўқ. Эътибор берган бўлсангиз содир этилаётган террорчи-

Оқсоқол хушёр бўлиши, ҳар бир фуқаро унинг назоратидан четда қолмаслиги зарур. Одамларни яхши билган оқсоқолнинг маҳалласида доим тинчлик ва хотиржамлик ҳукм суради. Бунинг учун у ўз атрофига ҳалол, софдил, юртим ва Ватаним дейдиган инсонларни жипслаштира олиши зарур.

З. Алматов:

– Айрим оқсоқолларимиз бир гуруҳ қарияларни тўплаб, эгниларига тўн, бошларига дўппи кийиб маҳаллада бўлаётган тўй ёки маъракага кириб боришни асосий вазифа, деб ўйлашади шекилли?

С. Обидов:

– Тўғри гапни айтдингиз. Майли, дўппи ва чопон кийишсин, аммо маҳаллага қарашсин, бошқаришсин. Юқорида айтилганидек, бошқа ёқларга кетиб қолган ёшларни маҳалла оқсоқоли билмайди, дейсизми, билади. Бунга ўзимиз гувоҳ бўлдик. Ахир террорчилик ҳаракатлари чоғида юртимизга суқулиб кирган, тоғу тошларда отиб ташланган йигитлар маҳаллаларда яшашган эди-ку. Бугунги кунда маҳалла, ушбу маскандаги вазият учун оқсоқол жавобгар. Ёшларни Ватанига муҳаббат руҳида тарбиялаш ҳам унинг вазифаси. Маҳалла оқсоқоли етмагани етказиб, қилмагани қилдиради. У лоқайдликка йўл қўйиб, кейин виждон азоби-га қолмаслиги керак.

Қ. Аъзамов:

– Баъзи аёллар чет элга боришга қора кийимга бурканиб келишади. Яъни, ўша жойнинг ғоясини юртимизда тарғиб қилишга уринадилар. Москвада рўй берган воқеалар чоғида кўрдик, "ҳомийлар" аввал аёлларга қора кийим кийгазиб, кейин қўлларига тўппонча тутқазилар экан, белларига эса портловчи модда боғлаб қўйилган. Ўзлари узоқда туриб уларни бошқариб туришибди. Бизнинг аёлларимиз бундан хулоса чиқаришлари керакми?

Ш. Эгамбердиева (Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани "Илғор" маҳалласи хотин-қизлар кенгаши раиси):

– Илгари ядровий полигонлар бўлган. Бунда маълум бир жой вайрон қилинган. Эндиликда мафкуравий полигон, деган тушунча пайдо бўлди. Президентимиз унинг асл мақсадини олдиндан кўра билиб, бизга тушунтириб бердилар. Одатда, биз аёллар ўзбек миллатининг табиатига хос бўлган сахийлик деймизми, соддалик деймизми, тагини суриштирмасдан тақлид қилишни яхши кўраемиз. Ўзбек эканлигимизни ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз керак. Ахир оналаримиз қадимда миллий кийимлардан бошқасини кийишмаганку. Бунинг асосий сабаби узоқ вақт ўзлигимиздан айирришга ҳаракат қилинганда, деб биламан. Мустақиллик туфайли кадрларимиз яна тикланди, ўзлигимиз қарор топди. Бундан тегишли хулоса чиқариб онахонларимиз, қизларимиз билан мулоқотлар уюштирсак, тушунтириш ишлари олиб борсак фойдадан холи эмас.

«ЎЗ УЙИНИ, ЮРТИНИ ЎЗИНГ АСРА ВА ҲИМОЯ ҚИЛ!»

ишлар амалга оширилмоқда. Ўрни келганида яна бир гапни ошқор айтмоқчиман: ўнлаб ўзбек йигитлари ҳозирги кунда Покистон ва Афғонистон чегарасидаги худудларда, Афғонистоннинг ўзида яшириниб юрганликларига бизга маълум. Улар йўлбошчилари билан бирга парокандаликка учраган бўлсалар-да, ҳали қабиҳиятларидан қайтишгани йўқ. Шу боис террорчилик ҳаракатлари бизнинг мамлакатда содир этилиши мумкинми, деган саволга "йўқ" дея ҳеч ким кафолат бера олмайди. Бироқ бу хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мумкин. Шу мақсадда халқимиз, маҳаллаларнинг фаоллари, посбонлар, кенг жамоатчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан биргаликда заиф томонларимизни йўқотишимиз керак. Хўш, булар нималардан

иборат? Бу ҳали охирига етказилмаган ишлар, дейиш мумкин. Масалан, маҳаллаларга мақсадсиз келиб қолган шахсларнинг назорат қилинмаслиги. Шу каби вазифаларни ҳал этиб, терроризмга мустаҳкам тўсиқ қўйсакки хавфнинг олди олинади. Бу вазифа қай даражада удаланиши сиз билан бизга боғлиқ.

Қ. Аъзамов:

– Масаланинг нозиклиги шундаки, халқаро терроризм таҳдиди тўғридан-тўғри армия, ҳуқуқ-тартибот посбонлари эмас, балки тинч аҳолига қаратилган. Улар қуролсиз одамларни гаровга олишяпти, ўлдиришяпти. Бу борада жамоатчилик қандай хулоса чиқариши муҳимдир.

С. Обидов (Беруний маҳалласи оқсоқоли):

– Юқорида тилга олинган воқеалардан кейин ҳар бир маҳалла оқсоқоли вазифа-

лик хуружлари қадимгиларидан мутлақо фарқланади. Авваллари терроризм муайян бир кучларга, шахсларга қаратилган бўлса, эндиликда йирик давлатлар, инсониятга таҳдид солмоқда. Москвада рўй берган террорчилик ҳаракатлари чоғида ойнаи жаҳон орқали одамлар кўзидаги саросимани кўриб, инсоният бундай бало билан ёнма-ён яшай олмаслигини юракдан ҳис қилдим.

С. Раҳимов (республика Маҳалла сиёсий-услубий маркази директори, профессор):

– Тошкентдаги 16 февраль воқеаларидан давлатимиз катта зарар кўрди. Пул-ку топилади, лекин эрталаб уйдан соғ-омон чиқиб кетган одам кечкурун уйига қайтиб келмаса, бу қандай ачинарли, ахир. Бундай ҳолатни Москвада бўлиб ўтган воқеалар чоғида ҳам кўрдик. Шундай экан, ҳар бир фуқаро ўз оиласи, фарзандлари, Ватанини сақлаш учун курашмоғи керак. Маҳалла кичик бир ватан. Бу масканга кимлар келаётгани ва кетаётганини сергаклик билан кузатиб бориш муҳимдир.

Қ. Аъзамов:

– Суҳбатимиз асносида икки нарса аён бўлди. Биринчиси, терроризмнинг чегара билмаслиги. Демак, бу хавфнинг олдини олишга тайёр бўлишимиз зарур. Иккинчи хулоса шундан иборатки, халқаро терроризмнинг Ўзбекистонга таҳдиди мавжуд. Бу таҳдид эртага бўлмайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Модомики, Америка Қўшма Штатлари, Россия, Австралия каби давлатларда бундай кафолат йўқ экан, демак бошқа мамлакатлар раҳбарлари биз терроризмдан ҳолимиз, деб айта олмайди. Терроризм балосининг олдини олиш ва бегуноҳ одамлар қурбон бўлиб қолмаслигини таъминлаш учун жамоатчилик, хусусан маҳаллалар олдида қандай вазифалар турибди?

С. Обидов:

– Маҳаллада ким яшайдан қатъи назар, у шоир бўладими, ёзувчи бўладими, ўқувчиси бунинг фарқи йўқ, у маҳалла фуқаросидир.

Қ. Аъзамов:

– Кейинги пайтда чиндан ҳам турли мамлакатларда содир этилган террорчилик ҳаракатлари кўплаб оилаларга ташвиш келтирди. Отаналар фарзандларидан, болалар эса ота-оналаридан жудо бўлдилар. Бундай балога қарши қўлни-қўлга бериб, ҳамжихатлик билан кураш-саккина уни бартараф этишимиз мумкин. Юқоридаги воқеалардан кўриниб турибдики, тинч аҳолига нисбатан хуруж қилинмоқда. Шундай экан бу хавфнинг олдини олиш чора-тадбирлари қандай? – деган саволнинг туғилиши табиий.

З. Алматов:

– Терроризм дунёнинг кўплаб мамлакатлари, шу жумладан Марказий Осиёга ҳам таҳдид солмоқда. Бизнинг юртимизда терроризм хавфи мавжудми? Агар бундай хавф бўлса унга қарши қандай ишларни амалга оширишимиз керак, унинг олдини олиш учун нималар қилишимиз зарур? Мана шу саволларни ойдинлаштириб, хулосаларни халқимизга очиқ-ойдин айтишимиз лозим.

Фуқароларимиз 16 февраль воқеаларини ёддан чиқаришмаса керак. Очиқ тан олиш лозим, терроризм, қўпуровчилик хатти-ҳаракатлари республикамиз аҳлига ҳамон таҳдид солмоқда. Террористик гуруҳларнинг бошқа мамлакатлардан юртимизга, хусусан Янгиобод ва Ангрен тоғларига, Бўстонлик туманига, Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё, Узун туманлари худудига кириб келгани Ўзбекистонга хавф борлигини кўрсатди.

Давлатимиз раҳбари томонидан халқимизга берилган ваъдаларнинг ҳаммаси бажарилди. Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатлари учун айбдорлар жиноий жавобгарликка тортилди. Уларнинг айримларига одил суд томонидан ўлим жазоси берилди ва ҳукм ижро этилди.

Тошкент вилоятининг Янгиобод, Ангрен, Бўстонлик туманлари, шунингдек, Сарийосиё, Узун тоғларига бостириб кирган босқинчилар ҳам яксон қилинганини яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман. Шу ўринда ўз халқига қарши қурол кўтариб келганлар ўша қуролдан ўзлари ҳалок бўлишганини ҳамма билиб қўйишини истардим!

Ҳозирда ҳам муҳтарам Президентимиз бошчилигида ҳукуватимиз ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан халқ оммасига суянган ҳолда кенг кўламли



3. Алматы:

– Президентимиз вазирларга биринчи навбатда маҳалла билан бирга бўлиб, оддий фуқароларнинг ҳолидан хабар олинг, деб айтадилар. Шу боис ушбу масканларда бўлишни асосий вазифамиз, деб биламиз. Ачинарлиси, айрим оналаримиз фарзандлари қайси ғоя ёки экстремистик оқимга кириб қолганини билишмайди. Улар ўз болаларининг хатти-ҳаракати, унинг кўзларидан қандай ташвиши борлигини англаб олишлари зарур.

С. Юсупов (талаба):

– Ҳар бир ноҳўя хатти-ҳаракатга нотўғри фикрлаш сабабга бўлади. Айрим ёшларнинг онгида бўшлиқ бор. Демак, улар ё мафкурасиз яшашапти ёки зарарли мафкурага берилишган. Биз уларга нисбатан миллий истиқлол ғоясини қўллаган ҳолда кураш олиб боришимиз лозим. Яна бир гап: бу ерда, яъни пойтахтдан туриб айтилаётган гаплар олисдаги қишлоқларга етиб бора-яптими? Шу ҳақда ўйлаб кўришимиз зарур.

М. Рашидов (Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги “Сархумдон” маҳалласи оқсоқоли):

– Жума кунлари имом-хатиблар масжидда ўн-ўн беш дақиқа терроризм, ватанфурушлар, улар томонидан халққа етказилаётган маънавий зарар ҳақида маъруза қилиб, кейин ибодатни давом эттирсалар соз бўларди.

К. Аъзамов:

– Зокиржон Алматович, Ўзбекистонда таҳдиднинг олдини олиш, юқоридаги каби фожиалар содир бўлмаслиги учун ички ишлар ходимлари, маҳалла посбонлари, профилактика инспекторларининг асосий вазифалари нима-

«ЎЗ УЙИНГНИ, ЮРТИНГНИ ЎЗИНГ АСРА ВА ҲИМОЯ ҚИЛ!»

лардан иборат, деб ўйлайсиз? Бу борада қандай ишларни кучайтиришимиз ва қайси камчиликлардан тезда воз кечишимиз керак?

3. Алматы:

– Ҳозирда ички ишлар идораларида ислохотлар бормоқда. Ушбу жараёнда аввалги участка вакилларининг вазифалари профилактика инспекторлари зиммасига юклатилди. Уларга жуда катта ҳуқуқлар берилган. Президентимиз “Профилактика инспектори милициянинг асосини ташкил этади”, деган гапни қайта-қайта ўқирадилар. Чиндан ҳам, профилактика инспектори бир кун ўз жойида бўлмаса дарҳол билинади, иш тўхтаб қолади. Шу боис уларга катта ишонч билдирилмоқда.

Террорчилик ҳаракатларининг олдини олишда ҳам профилактика инспекторларининг тутган ўрни катта. Улар халқ орасида доимо кўз-қулоқ бўлишлари керак. Яъни, ўз ҳудудларидаги ҳар бир воқеа-ҳодисага жавобгардирлар.

Тўғри, бизнинг профилактика инспекторларимиз бу борада катта ишларни амалга оширишга, лекин камчиликлардан ҳам холи эмасмиз. Ҳали биз Президентимиз, халқимизнинг тўла ишончини оқлай олганимиз

йўқ. Даврада Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган бир гуруҳ профилактика инспекторлари иштирок этишмоқда. Балки улар ҳам ўз мулоҳазаларини айтишар.

Р. Эшназаров (Юнусобод туманидаги “Ўзбекистон мустақиллиги” маҳалласи катта профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти):

– Маҳаллада жиноятчилик, террорчилик хатти-ҳаракатларининг олдини олиш учун маҳалла оқсоқоли, фаоллар ҳамда маҳалла посбонлари билан анча ишларни қилаёмиз. Худудимизда 17 минг аҳоли яшайди. Илгари битта участка вакили хизмат кўрсатган бўлса, ҳозирда тўрт нафар профилактика инспектори иш олиб бормоқда. Маҳаллада жамоатчилик вакиллари билан мунтазам паспорт тартибига амал қилинишини текширяёмиз. Ноқонуний яшаётган фуқароларга нисбатан тегишли чоралар кўрилаяпти. Қайси хонадонга кирсак ўша ерда яшовчилар билан суҳбатлар ўтказамиз ва зарур бўлганда ишонч телефонларига кўнғироқ қилишларини сўраймиз.

Б. Маҳаматов (Яккасарой туманидаги Абдулла Қаҳҳор маҳалласи катта профилактика инспектори, милиция капитани):

вакили билан танг аҳволдан чиқиш йўллари – Россияга мақбул ва Масхадовни камситмайдиган келишувлар муҳокама қилинди. Россия худудий яхлитлиги хусусидаги бандни вакил маъқулади. Эндиликда, Москвада рўй берган воқеалардан сўнг музокараларни давом эттириш лозим. Зеро, вазиятдан чиқишнинг ягона йўли сиёсий барқарорликка эришишдир.

Амалда Чеченистонга мустақиллик беришга уришлар бўлди. Аммо бу Доғистонга ҳужум уюштириш, Москвадаги уйларни портлатиш билан якун топди. Аслида Чеченистонга эркинликнинг кераги йўқ. Дудаев ҳам, Масхадов ҳам Россиядан эмас, Россия Конституцияси, солиқ, божхона тўловлари, милициядан мустақил бўлишни истаганди.

Чеченистонни ажратиб юбориш учун маблағ етишмайди. Ҳисоб-китобларга қараганда, республика атрофидан тузукроқ чегара ўтказиш учун 10 миллиард АҚШ доллари талаб этилади. Чегарани қердан ўтказиш лозим, деган масала ҳам кўндаланг бўлади. Чеченистоннинг шимолий худудларида яшовчи аҳоли Россиядан ажралиб чиқишга қарши. Агар чегара Терекдан ўтказилса, ажралиб чиққан чеченлар шимолий худудни куч ишлатиб қайтариб олишга ҳаракат қилишади. Чеченистонни ўз ҳолига қўйиб, у ҳақда эсланмаса ҳам бўлади. Аммо ҳозирча бунинг иложи йўқ.

“АиФ” дан олинди.

– Бизда ҳар бир уйга ўй бошлиқлари сайланган. Ишлар тўғри ташкиллаштирилгани учун ҳозирда муаммо йўқ ҳисоби. Битта сардор ва тўрт нафар маҳалла посбонлари билан навбатчилик ташкил қилинган. Фуқароларимизнинг хавфсизлиги бўйича шунини айтиш жоизки, ҳар бир ертўла, чордоқ ва бошқа очиқ жойларни текшириб чиқаяёмиз. Бу иш мунтазам олиб борилмоқда. Худудимизга келиб-кетаётган шахслар ҳам назоратда. Корхона, муассаса ва ташкилотларда мунтазам “Ўз уйингни ўзинг асра” мавзусида мулоқотлар ўтказилаяпти. Булар эса ўз самарасини бермоқда.

3. Алматы:

– Профилактика инспекторларининг асосий ишларидан бири “Ўз уйингни, юртингни ўзинг асра ва ҳимоя қил!” шиори остида жойлардаги ҳуқуқ-тартиботни назорат қилишдир. Ҳар бир оилада нима бўлаётганидан воқиф

ТАҲРИРИЯТДАН: ушбу давра суҳбати иштирокчиларининг мулоҳазалари тўлиқ берилмаган бўлса-да, барчанинг фикри зикри терроризм, кўпуровчилик хатти-ҳаракатларидан огоҳ бўлишга қаратилгани ойдинлашди. Ҳақиқатан ҳам мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси бунга алоҳида эътибор бериб, хушёр ва сергак яшаши, атрофидагиларни ҳам шунга ундаши талаб этиладиган долзарб масаладир. Шундай экан бунга эришиш барчамизнинг зиммамиздаги энг масъулятли вазифага айланмоғи лозим.

ЧЕЧЕНИСТОН: НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

Чеченистон Республикасида узоқ вақт нобарқарор вазият ҳукм сураётгани нафақат федерал ҳукуматнинг заифлиги ва дала сардорлари ўзларини “совуққа олдинчилар” билан боғлиқ. Асосий сабаби шундаки, федерал марказ ўз сиёсатида чечен жамиятининг ўзига хос томонларини эътиборга олмаётди. Бу жихатлар ҳарбий ҳаракатлар даврида унча аҳамиятга молик бўлмаса-да, бироқ сиёсий барқарорликка эришиш ва тинч ҳаёт қуришга уринишда муҳим ўрин тутди.

Хўш, республикада тинчлик ва хотиржамликка эришиш, бу ердаги вазиятни яхшилаш учун нима қилмоқ керак? Ушбу саволга бир гуруҳ россиялик сиёсатдонларнинг берган жавоблари эътиборга лойиқдир.

Дастлаб Чеченистонга халқаро кузатувчиларни киритиш ва улар воситачилигида жабр кўраётган аҳоли вакиллари ҳамда Россия ҳукумати ўртасида музокаралар олиб бориш зарур. Мамлакатдан қўшинларни олиб чиқиб кетиб бўлмайди. Зеро, улар ўрнини жангарилардан иборат гуруҳлар эгаллаб, ҳукумат билан ҳамкорлик қилган амалдорлар, милиция ходимлари ва бошқаларни таъқиб қила бошлайдилар.

Чеченистонга кенг миқёсда мустақиллик тақдим этувчи халқаро автономия мақоми берилиши, аммо қатор масалалар Россия Федерацияси қонунчилиги доирасида ҳал қилиниши керак. Булар – ягона фуқаролик, пул тизими, давлат чегаралари дахлсизлиги масалаларидир.

Сиёсий барқарорликка босқинчиларнинг тазйиқи остида эришилишига йўл қўйиб бўлмайди. Бошқа томондан, Чеченистондаги ҳарбий кучларни махсус бўлинмаларга алмаштирган ҳолда қисқартириш зарур. Армия қисмлари кўпуровчиларга қарши курашда қутилган самарани берадими, уларнинг мамлакатдаги ҳаракати эса туб аҳолида безовталиқ

уйғотади. Чеченлар давлат бошқарувида фаол иштирок этишлари учун демократик янгиланишларни амалга ошириш – Конституция қабул қилиш, сайловни йўлга қўйиш лозим.

Хамма контртеррористик операциялар мавжуд муаммоларни ҳал этади, деган қарорга келиб, енгил тин олди. Аммо ҳаёт бу етарли эмаслигини кўрсатди. Чеченларнинг ўзлари халқдан гаразли мақсадларда фойдаланаётган халқаро террорчиларнинг асирга айландилар. Оддий одамлар билан гаплашиш, уларнинг қон тўқаётганларга нисбатан муносабатини ўзгартириш зарур.

Масхадовни хануз кўллаб чеченлар кўллаб-қувватлашмоқда. Унинг



бўлиш, бирор жойда ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилса кескин чоралар кўриш уларнинг вазифасидир.

Ортбошимиз айтганларидек, ҳозир ҳам етарли профилактик чора-тадбирлар амалга оширилмаяпти. Маҳалла йиғинлари раислари ҳали бунинг тўғри тушуниб етишмаган кўринади. Энди кўзимизни очишимиз керак. Ахир ким фарзандининг жасади тепасида кўз ёши тўкиб ўтиришни хоҳлайди.

Афғонистондаги тинчликпарвар кучлар томонидан бомбардимонлар пайтида юзлаб йигитларимиз ҳалок бўлишди. Маҳалла аҳли, оналар уларнинг қаердалигини билишмайди. Зеро, улар Россияга ёки бошқа жойни айтиб, иш излаб кетдим, дея алдашган. Ота-онаси эса ҳали ҳам фарзандидан умидвор бўлиб эшикка кўз тикиб ўтиришибди. Агар профилактика инспектори ёки бошқа бирор киши ўглини сўраса “келиб қолар” дейишади. Аммо унинг оламдан ўтганини билишмайди. Ўша ёш йигитимиз ким учун, нима учун жонини қурбон қилди? Бунинг сабаби, ўз вақтида ташвиқот ишларига бефарқ қаралганидир. Бу шундай заҳарли ғояки, у билан кураш олиб боришимиз, аёвсиз курашмоғимиз керак. Шундагина бизнинг ғоямиз галаба қозонади.

НОТИНЧ ОЛАМ

Ливандаги фаластинлик қочоқлар лагерида душанба кунини эрталаб қаҳвахоналардан бири портлатилди. Ғувоҳларнинг сўзларига қараганда портлаш ниҳоятда кучли бўлди. Қўшни бинолар, қаҳвахона яқинидаги машиналар жиддий зарарланди. Портлаш сабаблари ўрганиляпти.

Чеченистоннинг Шатой туманида Россия федерал кучлари бўлиниши ўтказган махсус тадбир чоғида маҳаллий “жамоат” амири К. Магомедов пистирмага тушди. У қуролли қаршилик кўрсатган, йўқ қилинди. Грозний шаҳрида ҳам 3 октябрда Ми-8 вертолётини уриб туширган икки жангари қуролли тўқнашув чоғида отиб ташланди.

Москвадаги Маданият саройида террорчилар гаровга олганлар орасида ҳалок бўлганлар сони 120 нафарга етди. Ўтган якшанба кунини бир аёл юрак хасталигидан касалхонада вафот этди. Москвадаги шифохоналарда ҳали 149 киши даволанаяпти. Улардан 4 нафари болалар, 6 киши хорижий фуқаролардир. Олти бемор ҳамон оғир аҳволда.

Жангарилар 9 майда Кастилдаги байрам тадбири чоғида террорчилик содир этиб, 45 кишининг умрига зомин бўлишган эди. Шу ёвузликда шубҳаланаётган икки жангари ўтган якшанба кунини Доғистонда қўлга олинди.

Аргентина полицияси “Қизил бригадалар” деб аталувчи италиян исбнчилар ташкилотининг юқори лавозимли аъзоларидан бири деб таҳмин қилинаётган кишини ҳибсга олди. Маҳаллий полиция вакилининг сўзларига қараганда, қўлга олинган Бертүлаззи 70-80 йилларда Италияда фаолият кўрсатган гуруҳга раҳбарлик қилган. “Қизил бригадалар” ташкилоти катта шов-шувга сабаб бўлган қатор сиёсий ҳужумларни содир этган.

Деҳлидаги савдо марказида икки террорчи ўлдирилди. Улар савдо марказининг одам гавжум жойида отишма уюштириб, кўплаб бегуноҳ кишиларни қирини режалаштиришган эди. Террорчилар ер ости гаражида полиция билан қуролли тўқнашув чоғида ҳалок бўлишди. Тинч аҳоли орасида қурбонлар йўқ. Бир нафар полициячи яраланган.

Морокашда қўлга олинган ГФР фуқароси 1998 йилдан буён Гамбургдаги АҚШ ваколатхонасини портлатишга уриниб келганини тан олди. Келиб чиқиши суриялик бўлган бу шахс – Муҳаммад Ҳайдар Зоммар Сурияга топширилди. АҚШ махсус хизмати маълумотларига кўра, Зоммар “Ал-Қонда” ташкилотининг энг кўзга кўринган аъзоларидан бири экан.

Сурхондарёдаги тезкор вазиятга баҳо берганда вилоятнинг ўзига хос жўгрофий жойлашувини эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир.

Биз уч давлат – Туркменистон, Тожикистон ва Афғонистон билан чегарадошмиз. Тожикистон ўртасидаги чегара 300 километрдан ортиқ масофага чўзилиб кетган. Вилоят ҳудудида республикамиздаги ягона дарё порти жойлашган. Булар ва бошқа жиҳатлар вилоят ички ишлар идоралари ходимлари, айниқса чегара ҳудудларида фаолият юритаётганлар зиммасига улкан масъулият юклайди. Буни инobatга олиб хизматни чегарачилар, божхона ва бошқа хизматлар билан доимий алоқада олиб бораёпмиз.

Транспорт воситалари оқими катта бўлган Сариосиё ва Узун туманларида ҳамкорликда доимий ва кўчма масканлар ташкил этилгани, республика ҳудудида кириб келаётган юкларни назорат қилиш кучайтирилгани ҳам айтиб ўтиш лозим.

Шу ўринда бир неча рақам келтирмаймиз. Йил давомида тегишли хизматларнинг саъй-ҳаракати туфайли Тожикистон чегарасидан 56 миллион сўмликдан ортиқ товар-мод-

ВОҲА ОСОЙИШТАЛИГИГА МАСЪУЛАМИЗ

дий бойликларни ноқонуний олиб ўтилишига йўл қўйилмади. Паспорт хизмати билан боғлиқ ишлар ҳам фаол олиб борилаёпти. Барча масканларда вилоят ҳудудида тегишли рухсатномасиз киришга уринаётган тартиббузарларни аниқлаш ва тегишли чоралар кўришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ходимларимиз шунингдек, товарлар ташилишини тартибга солиш бўйича ўтказилаётган тадбирларда муносиб иштирок этишяпти.

Бундай саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда, албатта. Ҳамкорликда ҳуқуқбузарликларнинг олди олинаётгани хусусида кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Яқинда Москвада содир этилган террорчилик ҳаракатлари муносабати билан ҳамда Сариосиё ёқеалари-

дан олинган сабоқни унутмаган ҳолда вилоятда терроризм кўринишларига қарши курашиш муҳим вазифалардан бирига айланди. Диний-экстремистик оқимга мансуб шахсларни аниқлаш мақсадида маҳаллаларда фаол ишлар олиб борилаёпти, аҳоли билан учрашиб, суҳбатлар ташкил этилмоқда. Бу борада маҳалла оқсоқоллари, фаоллар яқиндан ёрдам беришяпти. Милиция, маҳалла посбонлари, ўзини ўзи бошқариш органлари кучини бирлаштиришда милиция таянч пунктларининг ўрни катта бўлмоқда. Бугунги кунда ҳар бир аҳоли яшаш жойларида бундай масканлар самарали фаолият кўрсатмоқда.

Ўлкамиз ҳақида сўз юритганда жиддий муаммолардан бири — гиёҳвандлик моддала-

рининг ноқонуний айланиши эканлигини ҳам унутмаслик лозим. Айрим ношукр кимсалар ҳамон оғу етиштириб, сўлим гўшанинг бой табиий имкониятларидан ғараз мақсадда фойдаланишга уринмоқдалар. Бу йил таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликлар парваришланаётгани бир оз кўп қайд этилгани фикримнинг далилидир. Биз барча имкониятлардан оқилона фойдаланиб вилоят ҳудудида ноқонуний олиб кирилатган йирик туркумдаги героин, опий каби гиёҳвандлик моддалари оқимини камайитиришга муваффақ бўлдик.

Ходимларимизнинг ижтимоий ва моддий эҳтиёжларини қондириш масаласи ҳам доимий эътиборда. Яқинда улар учун бунёд этилган кўп қаватли уйларда ҳовли



тўйлари нишонланди. Термиз шаҳрида ўйингоҳ қурилаяпти. Меҳнат шароитини яхшилашга ҳам ҳаракат қиляёпмиз. Масалан, ППХ бўлинмаси биноти таъмирдан чиқарилди, Музработ тумани ИИБнинг янги биноти бунёд этилмоқда. Оддий ва байрам кунлари фахрийларимизни йўқлаш одат тусига кирган.

Ютуқлар билан бир қаторда муаммолар ҳам йўқ эмас, албатта. Аммо энг муҳими, ходимларимиз аждодлари яшай ўтган ва фарзандлари яшайдиган заминни севиб, ардоқлаб, Ватанимизнинг гўзал воҳаларидан бири – Сурхондарёда тинчлик ва осойишталик ҳукм суриши учун бор куч-гайратларини аямаётирлар.

М. ЖАББОРОВ,
вилоят ИИБ бошлиғи,
милиция полковниги.

Бизнинг суҳбат

ДОИМО ДИҚҚАТ МАРКАЗИМИЗДА

Вилоятда қайд этилаётган жиноятларнинг кўп қисми гиёҳвандлик моддаларининг гайриқонуний айланиши билан боғлиқдир. Бундай ҳолатларга қарши қандай кураш олиб борилаётгани ҳақида вилоят ИИБ жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи, милиция подполковниги **А. Бердиев** қуйидагиларни гапириб берди.

– Йилнинг шу давригача гиёҳвандлик моддаларининг гайриқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятлар ўтган йилга нисбатан ўттизтадан кўп аниқланди. Бунда деярли еттитадан биттаси гуруҳ бўлиб содир этилганини айтиб ўтиш жоиз. Жиноий жавобгарликка тортилганлардан йигирма нафари Ҳамдўстлик давлатлари, асосан Тожикистон ва Туркменистон фуқароларидир.

Гиёҳвандлик моддаларининг кўп қисми контрабанда йўли билан олиб ўтилган бўлиб, аксариятининг героин ва опий ташкил этади.


Айниқса, ЖК ва ТҚКБнинг ана шундай жиноятларни фош этишга ихтисослашиб бораётган бўлинмаси томонидан хайрли ишлар қилинди. Асосан ёшлардан иборат бўлган бўлинма ходимлари гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ ҳолатларни ўтган йилга қараганда кўп аниқлашди. Мазкур йўналишда Денов ва Шўрчи туманлари ички ишлар ходимлари фаоллик кўрсатишяпти. Вилоят маркази ҳамда Шўрчида ҳатто бангхоналар мавжудлиги аниқланди. Таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган дори-дармонларни сотиш бўйича амалдаги тартиб-қоидаларнинг бузилишига қар-

ши курашиш ҳам эътибордан четда қолмаяпти.

“Корадори – 2002” тадбири пайтида вилоят ҳудудида, шу жумладан тоғли жойларда ёввойи ҳолда ўсаётган кўкнор ва наша ўсимлиги аниқланиб, йўқ қилинди. Бундай ўсимликлар етиштирилаётган ҳолатлар аввалги йилнинг шу даврига қараганда икки баравар кўп фош этилди. Йил бошидан ҳозиргача 29 киши жавобгарликка тортилди.

Гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш доимий диққат марказимизда. Кўшни Афғонистондан мамлакатимиз орқали шимолга анча миқдорда героин ва опий олиб ўтилишига илк бор дуч келаяпмиз. Вилоят ички ишлар идораларидаги мавжуд куч ва воситалардан унумли фойдаланилиб, жиноят қидирувнинг бошқа хизматлар, биринчи навбатда профилактика ва йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари билан ҳамкорлик яхшиланаяпти.

Ушбу вазифа билан шуғулланаётганлар орасида ўз ишининг нозик томонларини яхши биладиган ходимлар талайгина. Шулардан бири юсак касб маҳорати эга бўлган милиция майори **Б. Сатторовдир**. Унинг бой тажрибаси ёшларга қўл келаяпти.



Сурхондарё вилояти ИИБда отлик милиция ташкил этилганига анча бўлган. Улар хусусан жамоат тартибини сақлашда катта самара беришяпти.

Суратда: вилоят ИИБ ППХ бўлинмаси отлик взводи милиционери, милиция кичик сержанти **Шокир Мўминов**.

КОЧИБ ҚУТУЛОЛМАДИ

Ангор туманидаги “Мустақиллик” ширкат хўжалиги ҳудудида содир этилган автоҳалокат оқибатида 2 ёшли қизалоқ ҳаётдан кўз юмади. Воқеадан хабар топгач, ходимлар билан у ерга етиб бордик. Автоҳалокат содир этилган жойда “ВАЗ-2106” русумли автомашина олди чирогининг бир парча синиғи қолган экан. Тезда профилактика инспектори, жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари ходимлари билан хўжаликдаги шахсий автомашиналарни кўздан кечирдик.

Хонадонлардан бирининг сохи-

баси эри тушга яқин машинани ғаражга қўйиб, чиқиб кетганлигини билдирди. Гараж олдида тахлаб қўйилган ғиштларнинг олингани бизни шубҳалантирди. Гаражни очишни талаб қилдик. Сохиба калит ўзида эмаслигини айтиб, баҳона қидира бошлади.

Амаллаб машинани ташқарига чиқардик. Унинг олди чироғи синган, қон юки аниқ кўриниб турарди. Автомашина эгаси, 1934 йилда туғилган Саид Каримов бўлимга келтирилгач, аниқ далиллар олдида ер чизиб қолди. У маст ҳолда ҳаракатланиш қондасини кўпол равишда бузиб, йўл четиди турган қизчани босиб, қочиб қолганлигини тан олди.

Ушбу саҳифа материалларини **А. ЗОЛОТАРЁВА** ва **С. ШОДИЕВ**лар тайёрлашди.

Ножўя иш — келтирар ташвиш

НАФС БАНДАСИ

Термиз бекатидаги тармоқ ИИБга Учқизил тармоқ бўлинмаси бошлиғи, милиция майори **А. Мисиров** кириб келди.

– Қанча пайт пойлашмасин барибир қўлга тушишди, – деди у тезкор вакилларга.

Унинг ортидан хонада милиция сержанти **Б. Саломов**, милиция кичик сержантлари **С. Сафаров** ва **Т. Нормуродов**лар пайдо бўлишди. Шундан сўнг уч кимса, кейин эса сигаретлар блоки жойланган сумка кўтариб олган милиция сафдори **Б. Хайруллаев** кўринди.

Қўлга тушган **Т. Шавкат** ва **Р. Мансур** бойишнинг энгил йўлини танлаб хатога йўл қўйишган эди. Улар бозорда савдоси қаққон бўлган “PINE” сигаретидан 54 блок олиб, божхона тўловини тўламай айланма йўллар орқали шаҳарга ўтказишга аҳд қилишади. “Тошкент–Термиз” йўналиши бўйлаб бораётган поездда милиция ходимлари томонидан ўтказилган текширувга “чап бериш”га муваффақ бўладилар. Икки қўшни бекатнинг Учқизил – Термиз оралиғига етганда поезд секинлашганидан фойдаланиб, “мол”ни пастда пойлаб турган **Р. Ўткирга** улоқтиришади.

Шоввозлар вагондан сакраб тушишганда анчадан бери кузатиб келаётган тармоқ бўлинмаси ходимлари ашёвий далил билан қўлга олдилар. Улар қилмишларига яраша жавоб беришларига тўғри келади.

ЎҒРИЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Тумандаги бир неча хўжаликдан қорамол ўғирлангани ҳақида аризалар туша бошлади. Ўғрилар бироррта из қолдиришмаган эди. Ордан бир неча кун ўтиб, Термиз туманида ҳам шахсий моллар ўғирланганлиги ҳақида хабар олдик. Олиб борилган суриштирувлар туфайли ўғрилар Термиз туманида яшовчи шахслар эканлигини аниқладик. Улар қўлга олинди. **С. Мурод**, **Х. Алишер**, **А. Вайс**, **Ҳ. Баходир** исмли тўрт кишидан иборат уюшган ўғрилар гуруҳининг фаолиятига шу тарикак чек қўйилди.

А. БОБОЖОНОВ,
милиция майори.

UCHINCHI «Поетга» gazetasining ilovasi

TV OLAM

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR,
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

Денгиз қаъридаги сирлар

КУТИЛМАГАН ЎЛЖА

1993 йил июлининг охирида "Мистэйк" балиқчилик кемаси Паскагула портидан (АҚШнинг Миссисипи штати) навбатдаги сафарга чиқди. 2 август куни эрталабдан капитан Жерри Мерфининг кайфияти йўқ эди. Сўнгги пайтларда омад ундан юз ўйргандек туюларди. Балиқнинг баҳоси яна тушиб кетди. Жерри қарзга уй олиб, бўйини сиртмоққа тутиб берди. Бунинг устига ўғли кайф устида бошқариб яп-янги машинанинг абжани чиқарди. Энди каттагина жаримани ҳам ота шўрлик тўлаши лозим. Шу куни дилни сал ёриштирадиган нарса – бу балиқ овлаш учун жуда қулай об-ҳаво эди.

Матрос етказган хабар ҳам дили хуфтон капитанни унча қувонтирмади. Матроснинг айтишича, кема тўрига каттакон маржон рифими ёки сув ости қояси бўлагими илинибди. Унинг оғирлигидан тўр пича йиртилган ҳам эмиш. Капитан истаристамас нима гаплигини билгани боради. Тўрға илинган нарсанинг нималигини билиш учун пичоқ билан қириб кўради. Шунда нимадир ялтираб кетади.

Мерфи кўзларига ишонмасди. Тўрға бир-бирига ёпишиб қолган кумуш тангалар ёмбиси илиниб чиққанди. Жерри улардан бир нечасини тозалаб, 1784 йил санаси битилганини, қандайдир ҳукмдорнинг сурати зарб этилиб, унинг остига "Каролус III" деб ёзиб қўйилганини кўрди.

Матрослар ёрдамлашиб, тўрға илинган кумуш тангаларни кема палубасига туширишди. Топилма афтидан бир пайтлар чўкиб кетган кеманинг юк бўлмасида неча йиллардан буён денгиз қаърида ётган эди. Жерри қувонганидан кема саҳнида чапанчасига рақс туша кетди. Сўнг кема-

нинг эгаси бўлган амакисига кўнғироқ қилгани шошди. У атайлаб ҳаяжонини яшириш учун тушкин овозда гап бошлади:

– Ассалому алайкум, хўжайин. Иккита янгилик бор: бири нохуш, иккинчиси хушxabар.

Амакиси узоқ тин олиб сўради:

– Нохушидан бошла-чи?
– Тўрингиз бутунлай йиртилиб кетди.

– Энди яхшисини айт, қани?
– пўнғиллади амакиси.

– Ҳозиргина катта ўлжани қўлга киритдим. Ҳали бунақа бароридан келган ов умримда бўлмаганди. Энди икковимиз ҳам умримизнинг охиригача ялло қилиб яшасак бўлади! – ҳаяжонини ичига сиғдира олмай кичқирди Жерри.

урушга бошқа кўпгина давлатлар қатори Испания ҳам тортилган эди.

Шу йили Парижда битим имзоланди. Унга кўра Испания Мексика қўлтиғидан то Канадагача бўлган, ўша пайтлари Луизиана деб аталган улкан ҳудудга ҳукмронлик қилиш ҳуқуқини қўлга киритди. Миссисипи дарёси бу ўлканинг ҳаётий қон томири эди. Янги Орлеан ана шу дарёнинг стратегик жиҳатдан муҳим қисмида жойлашган эди. Узоқ давом этган уруш оқибатида илгари мустамлакачилар томонидан ўзлаштирилган ерлар ташландиқ ҳолга келган, улар қурган шаҳарлар вайрон бўлганди. Луизианада аввал французлар, кейинроқ испанлар тўлов воситаси вазифасини ўтаган қоғоз пуллар чиқаришди. Улар бора-бора бутун-



уни Мексикага – Веракрусга "Эль Касадор" ҳарбий кемаси капитани қилиб жўнатди. Кема қайта жиҳозланиб, унга ўта қимматбаҳо юк – 450.000 песо миқдоридан янги испан кумуш тангалари ортилган эди.

"Эль Касадор" кемаси Верак-

Ҳақиқатан, тангалар тозаланганидан сўнг худди янгидек ярқирай бошлади.

Сўнг амаки-жиян Мерфилар чўккан кемаларни денгиз тубидан кўтариш билан шуғулланувчи "Марекс Интернешенл" фирмаси вакили Дэвид Сивайтер билан учрашишди. У аввал "Эль Касадор"нинг аниқ координатларини белгилаш лозимлигини айтди. 25 август куни фирманинг асбоб-ускуналари "Мистэйка" балиқчилик кемаси бортига ортилди. Кўзланган манзилга йигирма соат ичида етиб боришди. Фақат биринчи кун денгиз қаттиқ тўлқинлангани учун кема чайқалавериби аниқ керакли жойда тура олмади. Эртаси куни шамол тинди. Сув остига туширилган гидролокатор ҳақиқатан денгиз тубида узунлиги 150 метр, кенлиги 36-72 метр бўлган нотекис жисм ётганлигини кўрсатди.

Сивайтер текширишлар сўнгидаги ўз хулосасида шундай ёзган эди: "Денгиз тубидаги жисм бўлаклари замбараклар билан қуролланган кема қолдиқларини эслатади. Бортдаги тангаларга қараганда, 1784 йил 11 январда Веракрус портидан сафарга чиққан "Эль Касадор" испан кемасини топдик деб хулоса чиқариш мумкин".

"Мистэйк" балиқчилик кемаси соҳилга қайтганда, экипажни журналистлар оломони ўраб олди. Амаки-жиян Мерфи бир зумда бутун дунёга машҳур кишиларга айландилар. Репортёрлар улардан интервью олишга ошиқишарди, телефонлари тиним билмай жирингларди. Ҳатто нотаниш, етти ёт беғона одамлар ҳам уларни омад кулиб боққани билан табриқлашарди.

Аваллига Мерфиларнинг машҳурликдан бошлари айланди. Аммо тез орада бу шов-шув уларнинг жонига тегди. Амаки-жиянлар чўкиб кетган испан кемасини сув юзасига кўтармоқчи бўлган фирма билан битим тузишга киришишди. Бу масала ойлаб чўзилди, жанжалсиз, юридик найрангларсиз ўтмади. Аммо бу бутунлай бошқа тарих. Яхшиси ҳикоямизни шу жойда тўхта тайлик.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

Икки асрдан сўнг топилган ХАЗИНА

МОЗИЙДАН БИР ШИНГИЛ

1763 йил Луизиана ҳудудида уруш олови алангаланарди. Французлар ва уларнинг иттифоқчилари бўлган ҳиндулар Миссисипининг юқори оқимида ва Канада чегараларида жойлашган мустамлакаларни аёвсиз талашарди. Бу қуролли тўқнашув етти йиллик урушга қўшилиб кетди. Ҳамма жанг-жадал Янги Дунёнинг бепоён ҳудудларидаги ҳисобсиз бойликлар устида борарди. Бу

лай қадрсизланишди. Айниқса, америкаликлар Миссисипи ва Огайо водийларини қалбаки валюталар билан тўлдириб ташлагач, аҳвол аянам оғирлашди.

1783 йилда Испания қирол Каролус III Бурбон Луизиана иқтисодини қоғоз пулларни муомаладан чиқариб, ўрнига танга пулларни киритишга кутқаради деган хулосага келди. Шунинг учун испан реаллари ва кичикроқ қийматдаги тангалар зарб этилди.


Ўша йилнинг 20 октябрида қирол энг ишончли кишиларидан бўлган капитан Габриэл де Кампосни ҳузурига чорлаб,

рус портидан 1784 йил 11 январда чиқиб, Янги Орлеанга йўл олди. Шу-шу кема кишки денгиз бағрида изсиз йўқолди. Ўша йили июнь ойида бедарак кетган кемани топиш мақсадида бир неча испан ҳарбий кемаси денгизни кезиб чиқди. Аммо натижа бўлмади. Шу тариқа "Эль Касадор" денгиз қаърида бедарак йўқолган бошқа кемалар рўйхатидан жой олди.

КўНГИЛЛИ ТАШВИШЛАР

Паскагулга қайтишда Мерфи топган тангаларнинг саногига етишга уриниб кўрди. Аммо бу анча мушкул иш эди. Айрим тангалар бир-бирига бутунлай ёпишиб қолганди. Ҳар ҳолда, капитаннинг тахминий ҳисоб-китобига кўра улар 800 тага яқин эди. Қирғоқда Жеррини амакиси кутиб олди. Икковлон дарҳол ўз адвокатлари билан учрашиш ва Денгиз тўхфалари музейига ташриф буюриш учун Ки-Вест шаҳрига йўл олишди. Музейда уларни директорнинг ўзи Мэл Фишер кутиб олиб, дарҳол тангалар "Эль Касадор" деб номланган, 1784 йилда Янги Орлеанга кетаётиб гойиб бўлган испан кемасига ортилган қимматбаҳо юкнинг бир қисми эканлигини аниқлади.

Фишер амаки – жиянларни музей бўйлаб сайр қилдириди. Уларга денгиз топилмалари лабораторияларда қандай қилиб тозаланишини кўрсатдилар. Ҳатто Жерри олиб келган бир неча испан тангасини уларнинг кўз олдида тозалаб кўрсатишди.



Милиция капитани Эсонбой Маҳмудовга навбатчи бир хат тутқазиб: — Ҳамқишлоғингиз ташлаб кетди, — деди.

Эсонбой катакли дафтар варағига ажи-бужи қилиб ёзилган хатни ўқиркан дам кулар, дам жиддий тортарди.

“Ука, келсам обитта экансан, — дейилган эди мактубда салом-аликлан сўнг. — Менинг эса томоғимдан қил ҳам ўтмаяпти. Эрталабдан бери туз тотганим йўқ. Кечаси сигиримизни ўғирлаб кетишибди. Тонгда янган соққани борса шу аҳвол. Аввалига бўшалиб кетганми ҳам дедик. Қишлоқда кезмаган далам қолмади. Ҳеч қаерда йўқ.

Ука, энди бир укалик қил. Кимсан, вилоят паспорт столида ишлайсан. Танимаган одамнинг бўлмаса керак. Ким ўғри, ким тўғри сенга маълум.

Сигиримнинг белгиларини сенга айтсам, ўзи ювош. Энди бор-йўғи 3 марта туққан. Тўртинчи боласи ичида, 2-3 ойлик гумона. Яна билмадим. Ўзи ола. Олдинги битта тиши синган. Боласини айриб

сотиб юборган бўлсак ҳам беш литрдан сут беради. Азбаройи ювошлигидан ҳаммага соғдираверади.

Ука, ҳамма ишингни ташлаб, сигиримни излашга туш. Одамлар паспортни бир кун кечикиб олса осмон узилиб ерга тушмайди. Мен ҳам бир пайтлар сенга ўтказиб қўйган жойларим бор. Бешинчи класлигинда Рустам калдан калтак еганинда, ўчингни

ҚАРЗ

Ҳажвия



Дам олиш саҳифаси

олувдим. Эсингдадир. Ёки Эшназар буванинг чорбоғидан ўғирлаган ўриқларимдан улашганим-чи. Қарзинги узиш вақти келди. Фақат бу гапларимни таъна деб тушунма. Қолаверса, жониворни сутқатигидан сигирларингиз қисир қолганида сизларникилар ҳам баҳраманд бўлиб туришарди.





Онанг раҳматли нуқул бош ювадиган бўлса, невараси пиёла кўтариб, қатиқ сўраб бизникига чиқарди. Бу сен Навойига кўчиб кетгандан кейинги гаплар. Балки, хабаринг йўқдир.

Ўғирлик вақтини сўрайдиган бўлсанг, сигирни кино кўриб турган маҳалимиз ўғирлаб кетишибди. Сабаби, молхонанинг эшигига кесак билан катта-катта қилиб “Эсмералдага раҳмат!” — деб ёзиб қўйишибди.

Майли, хатим ҳам чўзилиб кетди. Мен кўшни қишлоқдаги яна бир-икки гумондоримникига бориб кўрай. Тахминимча, ҳар ҳолда тумандан чиқиб кетмаган бўлса керак. Зўр келса, вилоят ҳам қўлингизга-ку. Ишонганим ўзинсан, ука! Топишингинан хабар қил! Дуо жонингни қилиб, мартабанг бундан ҳам улуғ бўлишини тилаб Эшмат аканг”.

Эсонбой хатни буклаб чўнтагига солиб кула-кула ўзи туғилиб ўсган туман милициясига йўл олди.

ХУРШИД.



Изоҳнинг ҳожати йўқ.

А. ҲАКИМОВ чизган расм.

ДУНЁ ҚУЛАДИ

Икки полициячи Лувр музейига киришибди. Улар бир мўмиёланган фиръавн жасади олдида ҳайрон бўлиб қолишди.

— “Э. а 1348 й” деган ёзув нимани англатар экан? — сўради улардан бири.

— Менимча, уни босиб кетган машинанинг давлат рақами бўлса керак, — ўзича ақллилик қилди иккинчиси.

Мотоциклчи бир кисавурни уриб юбориб, воқеа жойидан жуфтакни ростлади. Етиб келган ЙПХ ходими жабрдийдадан сўради:

— Сиз айбдорнинг автомашинаси давлат рақамини эслаб қолдингизми?

— Йўқ, лекин ҳужжатларини олиб қолишга улгурдим. Марҳамат, — хириллаб жавоб берди кисавур.

тўхтатиб жавоб берди ҳалиги киши.

— Биродар, беш минг долларлик бўлишни хоҳлармингиз ёки беш қизликми?

— Беш қизлик... — Нега?

— Чунки ҳозир қизим саккизта-да!

— Ростдан ҳам Жонни қамашдимми?

— Ҳа.

— У бўлса акамни кўргани кетяпман, деб мени алдаган экан-да.

— Йўқ, унинг акаси ҳам қамокда.

Гарсен полиция маҳкамасига паспорт олгани келди.

— Туғилган жойингиз?

— Париж.

— Демак, сиз французсиз?

— Йўқ, ота-онам даниялик.

— Аммо ўзингиз Францияда туғилгансиз-ку, тўғримми?

— Менга қаранг, яқинда мушугим отхонада болалади. Нима, сизнингча мушук болаларни тойчоғим деб эркалашим керакми?

Полициячи жиноят устида қўлга тушган ўғридан сўради:

— Ҳамма нарсангиз етарли экан. Нега шунда ҳам ўғирлик қиласиз?

— Сиз ишсиз қолманг, дейман-да...

ТУРФА ОЛАМ

СЎКИШ У ЁҚДА ТУРСИН...

Эскимосларнинг лугат бойлиги дунёдаги энг маданиятли ҳисобланади. Бу халқ тилида сўкиш у ёқда турсин, ҳатто бировни койиб хафа қиладиган сўз ҳам йўқ.

ГАПЛАШГАНДАН КЎРА...

Машинани бошқариб уяли телефонда гаплашиб кетаётган ҳайдовчининг ҳушёрлиги мастникдан ҳам ёмонроқ бўларкан.

Британиялик олимлар уларнинг фалокат содир қилиш эҳтимоли маст ҳолда машина ҳайдаётган одамникидан 30 фоиз кўпроқ, деган хулосага келдилар.

БАРМОҚДАГИ “ПАСПОРТ”

Никоҳдан ўтиш пайтида узук тақин қадимги Римда пайдо бўлган. Бироқ у даврларда узукнинг бошқа вазибалари ҳам бор эди. Масалан, Месопотамияда ҳар бир киши ўзининг кимлигини тасдиқловчи муҳрли ҳасса ва узук олиб юрган. Бу тақинчоқнинг турли шакллари ҳажми, нақшига қараб у ёки бу қўлнинг кимга тегишли эканлигини билиб олиш мумкин бўлган.

УЧРАШУВНИ ҚАРАНГ!

Италиялик жарроҳ яқиндагина ўзини тунаган ўғрини таниб қолди. Унинг кўричаги оғриб операция столида ётар эди.

Ўғри Жованни сицилиялик машҳур шифокорни тор кўчада учратиб, ханжар ўқталди ва пули ҳамда қимматбаҳо буюмларини тортиб олди. Орадан бир неча соат ўтгач, мазаси қочди-да, касалхонага мурожаат қилди.

Беморни операция қилиб бўлганидан сўнг шифокор полицияга хабар берди.

ОТЛАРНИНГ ҲУКУҚИ

Меҳнат кодекси ҳар бир мамлакатнинг муҳим қонунчилик ҳужжатидир. У меҳнаткашлар ҳуқуқини ҳимоя қилади.

Бразилиядаги шаҳарлардан бирининг префекти отлар меҳнати ҳақидаги қонунлар кодексини тасдиқлади. Мазкур ҳужжатга кўра, отнинг қулини иш вақти тушлиқни ҳам қўшганда саккиз соатдан ошмаслиги керак. Касал отлар эса ҳар қандай ишдан озод қилинади.

О. ФАРМОН тайёрлади.

АРАЛАШ-ҚУРАЛАШ

Америкалик фазогирлар Ойга қўнғач, у ерда туриб Буюк Хитой деворини оддий кўз билан кўриш мумкин, деган овоза тарқатишган эди. Аммо ҳисоб-китоблар бу гап лофдан бошқа нарса эмаслигини кўрсатди. Албатта, Ер курси Ойдан туриб қаралса кўринади, аммо нари борса йирикроқ тангадай бўлиб. Энди ўзингиз айтинг, унда эни бор-йўғи 12 метр бўлган девор кўринадими?

Мана, неча юз йилки хазина изловчилар Чингизхоннинг қабрини топишни орзу қилишади. Негаки, унинг бутун умр бўйи тўплаган хазинаси васиятига кўра ўзи билан бирга кўмилган экан. Сўнг қабр устидан сон-саноқсиз йилқилар

ўтган. Хонни дафн этишда қатнашган барча гўрковлар қатл этилган. Ушандан буён чексиз мўғул саҳролари ичида Чингизхоннинг қабри айнан қаерда эканлигини ҳеч ким билмайди.

АҚШнинг айрим штатларида ёпиқ бинода чексангиз, 1000 АҚШ долларигача жарима тўлашингизга тўғри келади.

Ватикан давлати харитасида жами 78 та жуғрофий ном мавжуд. Ҳатто “Спорт” деб юритилувчи кўча ҳам бор. Кўринишидан йўлгага ўхшайдиган бу кўча мамлакатдаги ягона спорт иншооти ҳисобланган теннис кортига олиб боради.

ҚИРУВЧИ САМОЛЁТЛАР НУЖНИ ҚУВИШДИ

Кўшма Штатлар пойтахти осмонда юз берган фавқуллодда ҳодиса туфайли иккита “F-16” қирувчи самолётлар дарҳол осмонга кўтарилди. Ҳаммаси радарлар самолётга ўхшаш галати объектни аниқлаганидан бошланди. Бироқ тез орада бу НУЖлиги аён бўлди.

Радио орқали берилган буйруқларга табиийки у жавоб бермади. Оқибатда икки навбатчи қирувчини учиртишга қарор қилинди. Лекин қирувчи самолётлар галати объектга яқинлашганда у гойиб бўлди. Қирувчилар нимани таъқиб қилишди, деган саволга ҳарбийлар жавоб беришолмади. Чунки объект исиз йўқолди. Бироқ бу манзарани ердан кузатган Ренни Рожерснинг сўзларига қараганда, у “аввал катта тезликда кетаётган оч ҳаворанг объектни, кетидан икки қирувчини” кўрган. Қирувчилар НУЖга ета олишмади — у бемалол самолётлардан узоқлашиб, кўздан гойиб бўлди. Кўришиб турибдики, ўзга сайёраликлар қўллаётган технологиялар Ердан анча устундир. Демак, яқин орада бирорта ўзга сайёра аппаратига етиш ёки уни уриб тушириш ҳақида умид қилмаса ҳам бўлади.

ДУШАНБА

11

ЎзТВ - I

бўлдилар. Ҳозирда нафақада дам олаётган Р. Қодиров, Х. Қаландаров, Ж. Бекимов, У. Саримсоқов, Х. Матсафаев, Т. Уринбоев, О. Эшмуродов ва бошқалар меҳрибон устоз билан бирга ишлаганларидан фахрланадилар.

2000 йили моҳир педагог, ҳуқуқшунос, ибратли оила бошлиғи, истеъфодаги милиция майори Ҳайитбой ака Аминовни Беруний номидаги маҳалла оқсоқоли қилиб сайлашди. Ҳайитбой ака худуддаги оилаларнинг турмуш шароитини қайтадан ўрганиб чиқди. Ёрдамга муҳтож ва кўп болали оилалар қайтадан рўйхатга олиниб, ёрдам кўрсатилди. Оқсоқол ҳаргал маҳалла кўчаларини айланаркан, кексаю ёш, барча кишилар суҳбатига эринмай кулоқ тутади. Ким нимага қизиқаётганини билиб олади.

Маҳалла — оила — жамоатчилик концепциясини бажариш борасида ҳам маҳаллада ибратли ишлар олиб борилмоқда. Маҳалла худудидаги билим масканларида «Сиз қонунни биласизми?», «Коммунизм — бахтимиз», «Маҳалла болалари», «Қизлар ибоси», «Оила тинч — маҳалла тинч», «Ватан остонадан бошланади», «Кувнок стартлар», «Йўл қоидаси — умр фойдаси» каби тадбирлар ўтказилаяпти.

Ҳасанбой БЕКИМОВ.

Суратда: маҳалла раиси Ҳайитбой ака Аминов.

ФАХРИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Куни кеча Самарқанд вилояти ИИБ патруль-пост хизмати бўлинмаси ходимларининг Фахрийлар ва мураббийлар кенгаши аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди. Тадбирни бошқарма бошлиғи ўринбосари, ички хизмат полковниги В. Хўжақулов очди. У бугунги кунда мазкур хизматнинг аҳамияти ҳар қачонгидан ҳам ошаётганини таъкидлади. Нотиқ Россияда бўлиб ўтган террорчилик ҳаракатлари ҳар бир осойишталик посбони, жумладан, патруль-пост хизмати ходимини ҳам ҳушёрликка чорлашини уқтирди.

Шундан сўнг сўзга чиққан фахрийлар ва мураббийлар хизмат тажрибалари билан ўртоқлашдилар, ходимларни ҳамиша интизомли, хушмуомала, ҳалол бўлишга, касб маҳоратини мунтазам ошириб боришга чақирдилар.

Бўлинма сардори, милиция подполковниги Б. Баҳромов жамоанинг хизмат кўрсаткичлари ҳақида тўхтади. Тадбир сўнггида бўлинманинг бир гуруҳ илгор ходимларига вилоят ИИБнинг фахрий ёрлиқлари топширилди.

С. ЗОҲИДОВ.

ЭҲТИЁТ ЧОРАЛАРИНИ КЎРЯПМИЗ

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи йилига катта миқдорда газ конденсати ва нефть маҳсулотлари етказиб бериб мамлакатимиз иқтисодийига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Заводдаги хом ашёни қабул қилиш, тозалаш, қайта ишлаш цехларида иш жараёнлари тез алангаланувчи суоқликларга бевосита боғлиқлигини назарда тутсақ, ҳар бир бўғинда арзимас эҳтиётсизлик бир лаҳзада не-не машаққатлар билан тўпланган хом ашёни, тайёр маҳсулотни, қимматбаҳо ускунани, ҳаттоки инсон ҳаётини ҳам хавф остида қолдиради. Шундай экан корхонанинг барча цехларида ёнғин хавфига қарши курашиш жуда эҳтиёткорликни талаб этади.

Ёнғин ва аварияларнинг олдини олиш борасида ёнғин хавфсизлиги хизмати вакиллари билан муҳандис-техник ходимларнинг ўзаро ҳамкорлиги фойдалан холи эмас. Завод ёнғинга қарши кураш техник комиссияси, техник хавфсизлиги ходимлари билан биргаликда ўтказаятган рейдлар катта самара бермоқда. Ушбу тадбирларда бир қатор камчиликлар очиб ташланди. Телевиде-

ние орқали намойиш этилган, қўл остиларидаги ишчи, техник, навбатчи операторларнинг ёнғин хавфсизлигини қўпол равишда бузаётганлиги ҳолатларини кўрган масъул раҳбарлар изза бўлишди. Табиийки, бундай кўрсатувлардан сўнг ҳар бир цех раҳбари ишлаб чиқариш ўринларида мавжуд камчиликларни жойида, зудлик билан бартараф этишлари аниқ.

Ҳозирги кунда завод раҳбарияти иш режаси асосида цехларда авария, ёнғин, кўпуровчиликларнинг олдини олиш мақсадида ўтказилаётган амалий машғулотлар таҳсинга сазовор. Машғулотлар кўнгилли ўт ўчириш дружиначиларнинг фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш кўникмаларини мустақамлашга ҳам хизмат қилмоқда.

Б. НУРИЛЛАЕВ,
ички хизмат подполковниги.

«Меҳнат шўхрати» ордени нишондори

Николай Лобановнинг ёнғин хавфсизлиги хизматида ишлаётганига ўттиз йилдан ошди. Бу тиниб-тинчимас, ўз устида тинмай ишлайдиган, ўрганишдан эринмайдиган инсон бутун фаолияти давомида ёнғинларни камайтириш, унинг олдини олиш имкониятларини топиш учун изланяпти.

Хонадондаги китоб жавонидан хорижий мамлакатлар ёнғин хавфсизлиги хизматларининг тарихи, тажрибалари ҳақидаги китоб, газета, журналлар ўрин олган. У Ҳамдўстлик давлатларидаги ҳамкасблари билан ҳам доимий алоқада бўлиб, ўзаро фикр алмашиб туради.

Бу иқтидорли мутахассиснинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш йўлидаги хизматлари ҳисобга олиниб, Республика ИИБ ЁХББ ёнғин-техникаси лабораториясига раҳбар этиб тайинланди. Унинг илмий фаолияти янада қизғин тус олди. Зиммасидаги вазифа ва масъулиятни чуқур ҳис этган фидойи инсон ўзига ҳам, ходимларга ҳам талабчан. Улар ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, ўт чиқишининг олдини олиш йўлида сезиларли ишларни амалга оши-



ришяпти. Кейинги йилларда лаборатория жамоаси томонидан яратилган янгилик учун саккизта патент олинди. Николай Борисовичнинг бевосита иштирокида ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида жаҳон амалиётида ўзига хос бўлган, оловдан ҳимояланиш экрани яратилди. Бу ўт ўчирувчилар учун энг қулай ҳимоя воситаси сифатида тан олинди.

Ички хизмат полковниги Н. Лобанов раҳбарлигида яна қатор изланишлар олиб бориляпти. Уларнинг ҳаммаси мамлакатда ёнғин

хавфсизлиги, хусусан халқ хўжалиги, хонадонларни офатдан сақлаш кишиларнинг жабрланиши ва бевақт ҳалок бўлишига йўл қўймасликка хизмат қилади.

Мустақиллик байрамининг 11 йиллиги арафасида Н. Лобановнинг кўп йиллик самарали меҳнати муносиб баҳоланиб «Меҳнат шўхрати» ордени билан мукофотланди.

Д. ҚАМБАРОВ.

Суратда: ички хизмат полковниги Н. Лобанов.

Муаллиф олган сурат.

Миннатдорчилик

БУРЧИГА СОДИҚ ЙИГИТ

Мен учинчи гуруҳ ногирониман. Рафиқам билан пойтахтдаги «Карвон бозор»га ул-бул нарса харид қилгани боргандик. Бозорни айланиб юрганимизда бир ёш йигит атрофимиздан кетмай қолди. Раста олдида харид қилинган молга пул тўламоқчи бўлиб тургандим ҳалиги йигит кўлимдаги сумкани юлиб қочди. Ичида пул ва ҳужжатлар бор эди. Мен талончини кувиб столмасдим. Нима қилишни билмай тургандик, орадан 4-5 дақиқалар ўтиб бир милиция ходими сумкани олиб қочган йигитни ушлаб келиб қолди. Бу юм ва пуллари қайтариб олдим.

Суриштириб милиция ходими Фурқат Нурмухамедов экани, Акмал Икромов тумани милициясида ишлаганини билдим.

Газета орқали ўз бурчига содиқ бу ходимга оиламиз номидан миннатдорчилик билдираман.

А. ЮЛДОШЕВ,
Андижон шахри.

Шогирд каломи

СИЗГА ЎХШАГИМ КЕЛАДИ, УСТОЗ!

Ҳарбий хизматни ўтаб келганимдан кейин қайси касбни танласам экан, дея бир қарорга келолмай юргандим. Қўқон шахрига борганимда милиция катта сержанти Нурали ака Тўйчиевни учратиб қолдим. У киши милиция билан боғлиқ воқеалардан гапириб, қизиқтириб қўйдилар. Уша кундан эътиборан қалбимда ички ишлар соҳасига қизиқиш пайдо бўлди. Нурали ака милицияга ишга киришимга кўмаклашиб, йўл-йўриқ кўрсатдилар.

Ота-онам оддий қишлоқ кишилари. Милиция либосида уйга борганимда ҳар иккиси ҳам қувончдан кўзларига ёш олишди. Нурали ака дастлабки пайтлар менга хизмат сирларини ўргатиб, тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Ундан ташқари бўлинма сардорлари, милиция лейтенантлари М. Юнусалиев ва Б. Хадиятуллаевларни ҳам устоз сифатида тилга оламан. Транспорт милициясида ишлаётганимга уч йил бўлди. Ҳамон устозимдан билмаганларимни сўраб, сабоқ оламан. Нурали ака менга доимо фидойи ходимлар қаторида бўлгин, дейдилар. Жамоада ҳурмат-эътиборга лойиқ бу инсондан миннатдорман. Сизга ўхшагим келади, устоз!

Б. ДЕҲҚОНОВ,
милиция сержанти.

Касб фидойилари

ТАБИАТ ИНЪОМ ЭТГАН ИСТЕЪДОД

қайтган кўнгилсиз ҳодисалар ўт ўчирувчилар ҳаётида тез-тез учраб туради. Шу боис бу соҳада меҳнат қилаётганлар зиммасига катта масъулият юкланган.

Исроил Ҳожиев аслида курувчи эди. Бироқ, аскарлик давридаги бир ҳодиса сабаб ёнғин хавфсизлиги соҳасини танлади. Ушанда у аскарлик бурчини ўтаётган ҳарбий бўлинмада ёнғин чиқиб, кўп талафот кўрилди ва давлат мулкига моддий зарар етди. Ҳарбий хизматдан қайтгач, онаси билан маслаҳатлашиб шу соҳани танлади.

Орадан йиллар ўтди. Вақти келиб Исроил ҳам шу тизимнинг тумандаги раҳбарларидан бири бўлиши кимнинг ҳам хаёлига келибди. Аммо тақдирни қарангки, ўша даврларда устозлари Анвар Бобоев, Саид Насруллаевлар уни шогирдликка олиб, касб сир-синаотини ўзлаштиришда кўмак беришгани бежиз эмас экан.

У Вобкент тумани ички ишлар бўлими давлат ёнғин назорати бўлинмасида бошлиқ бўлиб ишлаган кезлари меҳнат фаолиятида айниқса алоҳида из қолдирди. Агар ўша йиллар натижасига қараладиган бўлса, туманда ҳар йили ёнғинлар сони бошқа туманларга нисбатан анча камайганлигини кўриш мумкин. Бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Аввало бўлинмадаги мутасаддилар тайёргарлиги ва жанговарлиги қайта таҳлил этилиб, замон талабига мослаштирилди, иккинчидан аҳоли яшаш жойлари, маҳалла, қорхона ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилганидандир.

Масалан, ҳар бир қишлоқ, қорхона ва ташкилотлар билан шартномалар тузилиб, бўлинма ходимлари иштирокида семинар-кенгашлар ташкил этилгани, маҳаллаларда ёнғин билан боғлиқ кинофильмлар кўйилиши ва ёнғин ту-

файли кўрилган зарарлар чуқур таҳлил этилганлиги тилсиз ёв келиб чиқишининг олдини олди. Шунингдек, ана шундай тадбирлар ва махсус дарс соатлари мактаб, мактабгача тарбия муассасаларида ҳам тез-тез уюштириб турилгани самарасиз қолмаяпти.

Айни пайтда Қоровулбозор туманидаги ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми бошлиғи, ички хизмат майори Исроил Ҳожиев ёнғиннинг олдини олишда қамарбаста бўлаётган фидойилардан бирidir.

— Табиат инъом этган барча неъматлар орасида инсон ҳаёти азиз, унга ҳеч қандай куч хавф-хатар солмаслиги керак, — дейди у. — Аммо айримлар ана шу оддий ҳақиқатни гоҳида тушуниб етишмайди. Шу сабабли кўпинча мажбурий ҳолатдаги ёнғинлар, яъни тартиб-қондага риоя этмаслик ёки электр симларни ўзбошимчилик билан улаб олишлари оқибатида кўнгилсиз ҳодисалар келиб чиқиб, моддий ва маънавий зиён кўришмоқда.

Ана шу каби ҳолатлар бўлмаслиги учун соҳадошларимиз билан бирга жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораёلمиз. Албатта, тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Айрим кўнгилсизликлар тўлиқ барҳам топиши учун қўлимиздан келганча ҳаракат қилаверамиз.

Қ. ШОКИРОВ.

Ярим тунда содир бўлган ёнғин кўпчиликни шошириб қўйди. Жилванмаган олов гоҳ хоналардан, гоҳ том тепасида шиддат билан ёнарди. Ўт ўчирувчиларнинг қўли-қўлига тегмас, ҳали у, ҳали бу бурчакдан чиқаётган офатни даф этиш йўллари излашарди.

— Шерзоджон олов ичида қолиб кетди, — онаизорнинг бу фарёидан ёнғинга қарши кураш бошқармасининг тезкор гуруҳида штаб бошлиғи ўринбосари бўлиб ишлаётган Исроил Ҳожиев сергак тортиб, ўт ичига қандай отилиб кирганини билмайди.

Дақиқалар тўхтаб қолгандай гўё, ҳамма уни кутарди.

— Олиб чиқди, хайрият соғ-омон экан, — қичқирдиши уни сабрсизлик билан кутиб турганлар. Аммо олов билан олишув ўз асоратини қолдирганиди.

Касалхонада кўзини очган Исроилнинг биринчи айтган гапи «Шерзоджон омонми?» деган савол бўлди. Бу унинг шу тизимда иш бошлаган кезларидаги дастлабки воқеалардан бири, холос. Аслида беэтиборлик ва қонун-қондага риоя этмаслик оқибатида келиб чи-

Жиноят ва жазо

ГУГУРТ ҚУТИСИДА... ГЕРОИН

Айрим фуқаролар гиёҳвандлик моддаларининг гайриқонуний айланиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга жазо муқаррарлигини билатуриб, бойлик орттириш мақсадида шундай ножўя ишга қўл урадилар. Вилоят ички ишлар идоралари ходимлари томонидан аниқланган кўплаб ана шундай қонунбузарлар ҳозирда жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўташяпти, бошқа бирларига эса жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилаяпти.

Масалан, Балиқчи туманидаги "Шераличек" ширкат ҳўжалигида яшовчи 32 ёшли А. Нейматжон милиция ходимларида шубҳа уйғотди. Унинг хонадони кўздан кечирилганда 3,5 килодан ортиқ марихуана топилди.

Илгари судланган, анчадан бери бирор жойда ишламаётган Андижон туманилик Ж. Зухриддин 29,41 г марихуанани Ш. Умидага сотаётганда тезкор ходимлар томонидан ашёвий далил билан қўлга олинди.

Пахтаобод туманида истиқомат қилувчи 47 ёшли К. Фуржон ҳам оғуфурушликнинг ҳадисини олган кўринади. У ўн та гугурт қутисига жойланган гиёҳвандлик моддасини андижонлик Э. Отабекка пуллаётганда ҳуқуқ-тартибот посбонларининг тузоғига илинди.

Хўжаобод туманидаги Дилқушод қишлоғида яшовчи Э. Муроджон 7,5 г героинни Андижон шаҳридан келган "меҳмон"га 50 АҚШ доллариға сотаётганда қўлга тушди.

Афсуски, бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Хулоса эса битта. Гиёҳфурушларнинг барчаси одил суд томонидан тегишли жаза олиши тайин.

Шуни таъкидлаш лозимки, вилоят ИИБ ЖК ва ТҚКБ гиёҳвандлик моддаларининг гайриқонуний айланишига қарши кураш бўлими ходимлари йил бошидан буён оғу тарқатишга уринган шахслардан 752 г героин, 1412 г гашиш, 1870 г марихуана олишди. Таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликлар ўстириляётган 215 та ҳолат аниқланди. Гиёҳвандлик моддаларининг гайриқонуний айланиши бўйича 130 та жиноят иши қўзғатилди.

Ушбу рақамлар замирида ҳуқуқ-тартибот посбонларининг фидойи меҳнати, тинимсиз саъй-ҳаракати ётганини англаш қийин эмас. Оғу тарқатиб, ҳаётимизни заҳарлашга уринаётган кимсаларнинг пайи бундан кейин ҳам қирқилаверади.

Д. ҲАМИДОВ,
милиция капитани.

Сапаргулнинг ишхонасига кимдир кўнғироқ қилиб, турмуш ўртоғи Азимбойни милиция ходимлари олиб кетишганини айтди. Бу нохуш хабар аёлни эсанкиратиб қўйди.

Азимбой илгари ҳам жиноят содир қилгани учун қамалган эди. Аммо амнистия туфайли жазони ўташдан озод этилди. У бундан ўзига тўғри хулоса чиқариб олмади. Фойдали меҳнат билан шуғулланиш ўрнига кўча санқиб, майхўрлик қила бошлади. Бундай улфатчиликлар бора-бора гиёҳвандлик моддаси истеъмол қилишга унлади.

Шу тариқа ойлар ўтди. Азимбой охириқабат бу захри қотилга пул тополмай қолди. Нима қилиш керак? У куну тун шу ҳақда ўйларди. Кунларнинг бирида кўшниси Мўминжон унга гиёҳвандлик моддаси со-

таништирди уни Азимбой. — Урганча яшайди. Зўр раққоса.

Мурод "танишганимдан хурсандман", дегандек бош иргачди. Азимбой меҳмонларни ичкари уйга бошлади. Оралан 10—15 дақиқа ўтгач, қайтиб чиқиб Муродга юзланиб деди:

— Уйда егулик ҳеч нарса қолмабди. Сен ўтира тур. Мен дарров бозорга бориб келаман.

Азимбой тўғри Мўминжоннинг уйига бориб 10 минг сўмга 0,2 грамм героин сотиб олди. Сўнгра бозордан мева-чева, меҳмон қизчага музқаймоқ келтирди. Хонадон соҳиби меҳмонлар билан ошхонада узоқ қолиб кетди. Мурод телевизор томоша қилиб ўтираверди. Шу пайт Азимбой шашганча Муродни чақирди. Ҳеч нарсдан хабари йўқ йигит ошхонага кирди. Нигора ерда юз тубан ётарди.

— Унга нима бўлди? — ҳовлиққанча сўради Мурод.

«ҲОЖАТБАРОР» МЕЗБОН

тишни таклиф қилди. Бу фикр унга мойдек ёқиб тушди. Кўп ўтмай уйда банғихона ташкил этиб, гиёҳвандларнинг ҳожатини чиқаришдек "хайрли" ишга қўл урди. ... Эрталаб Сапаргул ўғлини боғчада қолдириб, ишхонасига ўтди. Азимбой ҳар галгидек уйда ёлғиз қолди. Шу пайт қариндоши Мурод кириб келди. МеЗбоннинг таъби хиралашди.

— Бозорда олган 4 минг сўм қарзни берсангиз деб келгандим, — деди Мурод хонадон соҳибини уйда учратганидан суюниб. — Жуда зарур бўлиб қолди.

— Ҳозир пулим йўқ! — терс жавоб берди Азимбой. — Бир-икки кун ичида топиб бераман.

Мурод телевизор кўришни баҳона қилиб, "хотини келса, ундан оламан", деган ниятда Сапаргулни кута бошлади. Маълум вақт ўтгач ташқари эшик тақиллаб қолди. Азимбой эшикни очди. Остонада бир аёл қизи билан турарди. Уй эгаси уларни илқ қарши олди.

— Эски қадрдоним Нигора бўлади, —

— Хавотирланма, ҳозир ўзига келади, — деди Азимбой ва косадаги сувни қўли билан унинг юзига сепди.

— Балки дўхтир чақириб керакдир?

— Йўқ, керакмас? — бош чайқайди Азимбой.

Меҳмон энди ўзига келганда хонада милиция ходимлари пайдо бўлди. Улар Нигорадан гиёҳвандлик моддасини қасрдан олганини сўрашди. Меҳмон уни Азимбойдан 5000 сўмга сотиб олгани ва томирига юбораётганида хушидан кетиб қолганини яширмади.

Хуллас, Боғот тумани ИИБ ЖК ва УЖКБ ходимларининг тезкор ҳаракати туфайли гиёҳвандлик моддасини сақлаш, сотиш ва истеъмол қилиш билан шуғулланиб келаётган боғотлик Азимбой Отажонов, Мўминжон Рўзиев ҳамда урганчлик Нигора Шомуродовалар қўлга олинди. Жиноий гуруҳ аъзолари суд ҳукмига биноан узоқ муддатта озодликдан маҳрум қилинди.

К. АННАМУРАТОВ,
милиция майори.

...ПАЙШАНБАДАН ПАЙШАНБАГАЧА...

ЖОҲИЛ АЁЛ

Зарафшон шаҳрида яшовчи, ҳеч қасерда ишламайдиган, муқаддам судланган М.С. уйда турмуш ўртоғи билан жанжаллашиб қолди. Аёл вазминлик қилиш ўрнига қўлига пичоқ олиб, умр йўлдошига ташланди. Оғир жароҳатланган эр касалхонада оламдан ўтди.

БОСКИНЧИ УШЛАНДИ

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги хонадонлардан бирига бостириб кирган нотаниш шахс уй эгасига пичоқ ўқталиб ундан пул ва қимматбаҳо буюмлар талаб қилди. Бундан қўрқиб кетган жабранувчи қўшнларини ёрдамга чақирди. Босқинчи эса дарҳол жуфтаникни ростлаб қолди. Бироқ узоққа кетолмади. Шу маҳаллада яшовчи Ю.П. қўлга олинди.

ЭГАСИГА

ҚАЙТАРИЛДИ

Тошкент шаҳрининг Миробод туманида олиб бориляётган қурилиш ҳудудига кириб келган зўравон йигит прорабни куч ишлатиш билан қўрқитиб, 190.000 сўмлик қурилиш материалларини олиб кетди. Унинг изига тушган ички ишлар ходимлари буюмларни қайтаришди, зўравон С.Б.ни эса ИИБга топширишди.

ВАҚТИДА КЕЛИБ ҚОЛИШДИ

Андижон туманидаги катта йўлда ҳаракатланаётган "Дамас"ни муқаддам судланган, 22 ёшли Э. ва унинг укаси Д. лар тўхташди. Ака-ука қароқчилар ҳайдовчига ташланиб, кийим-бошини ечиб олиб, оёқ-қўлини боғладилар. Кейин эса унга устара ўқталиб, пул талаб қила бошлашди. Шу вақтда мазкур ҳудудда хизмат вазифасини ўтаётган милиция ходимлари жиноят устига келиб қолдилар.

ТУМШУФИДАН ИЛИНДИ

Бухоро вилоятидаги банклардан бирининг ҳисобчиси, 1965 йилда туғилган Н. мижозга 700.000 сўм кредит пули ажратиб берди. Бунинг эвазига ундан 70.000 сўм миқдорда пора олаётган пайтда милиция ходимлари томонидан қўлга олинди.

И. МИНАВАРОВ,
ИИБ матбуот марказининг масбул ходими, милиция майори.



Гурлан тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Бозорбой Рўзметов ёш ходимлар билан суҳбатлашмоқда.

Ж.ҚОЗОҚ олган сурат.

ТОВЛАМАЧИ АМАКИВАЧЧА

Қува туманидаги «Ўрда» қишлоғида яшовчи Жўраевлар оиласидаги Холматжоннинг топиш-тутиши амакиваччасининг ҳасадини кўзгаб келарди. 4 нафар фарзанднинг отаси бўлган амаки — Баҳодиржон хотинига мақсадини очиқ айтди.

— Холмат бойиб, босар-тусарини билмай, бизни менсимай қўйди. Дадам раҳматли бир пайтлар унинг ишга жойлашишига ёрдам берганди. Ушандан ўнгланиб кетди-да. Энди Россияга борадиган бўлиб қолдилар. Битта хат битиб, қўрқитиб, бир оз "қўқ"идан илтирсак, биз ҳам ўнгланиб кетармидик, дейман хотин?

— Ёмон бўлмасди. Уйлаганингиз тўғри ҳўжайин, бир адабини бериб қўйиш керак бу бойваччани, — эрининг фикрини қувватлади хотин.

Эр-хотин Холмат Жўраевдан бир йўла 10 минг АҚШ доллари талаб қилиб, даҳшатли хат битишди. Холматжон дастхатдан таниб қолмаслиги учун уни учинчи шахсга кўчиртирмоқчи бўлдилар. "Учинчи" одам — Баҳодирни қайноғасининг ўғли, 29 ёшли Даврон Халилов эди. У вақтинча ишсиз бўлиб, уч фарзанди ва хотинни боқиш осон бўлмаётганди. "Иш"дан ўзига ҳам наф тегишини билгач, таклифга рози бўлди. Хатни қўлда кўчириб, аммасининг эри — Баҳодирнинг дарвозасидан ичкарига ташлаб келди. Хатда шундай сўзлар битилганди: " ... Холмат, 10 минг АҚШ долларини Қува туманидаги Абдуразоқов номли ширкат ҳўжалиги ўраминида жойлашган қишлоқ врачлик амбулаториясига олиб бориб, Муқаддас Халиловага топширасан. Борди-ю айтилган жойга, хатда кўрсатилган одамга пул этиб бормаса ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига хабар қилсанг, хонадондаги ва Тошкент шаҳрида ўқиётган фарзандларинг ҳамда онангнинг ўлимига сабабчи бўласан"...

Уша кунни Холматжон Россияга сафарга кетиш таралдуида эди. Хотини унга хатни тутқазди. Хатни очиб ўқигач, у ваҳимага тушмади. Акасининг олдига маслаҳатга борди. Акаси:

— Сен бемалол сафарга бориб келавер, мен милицияга бориб, бу ишга оидинлик киритаман, — деди.

Ички ишлар бўлими бошлиғи Раҳматжоннинг гапини обдон тинглаб, ҳозирча бу ҳақда бировга оғиз очмаслик ҳақида уқтирди. 24 апрель кунни милиция билан келишган ҳолда Раҳматжон 400 минг сўм пулни олиб Муқаддас Халилованинг ишхонасига борди.

— Манови 400 минг сўм пул, қолганини кейин бераман, шуни келишилган одамга бериб турасиз, иложи бўлса учраштиринг, — деди у ҳеч нарса билмагандек.

Халилова ёлгондан бўлса-да, ҳамдардлик билдирмади. Бунинг ўрнига: — Сизни у билан учраштиролмаймак, пулни эса тўлиқ қилиб келтиринг, — деб Раҳматжонга "ишланган" пулни қайтариб берди.

Аммо милиция ходимлари аёлни шу ерининг ўзида қўлга олдилар. Оралдан бир ҳафта ўтгач, сафардан келган Холматжон товламачиларга ўз амакиваччаси бошчилик қилганидан ҳайратда қолди...

М. КИМСАНБОВ.

ЎҒРИ УСТА

Нукуслик Рауаж Темирбеков машина тузатишни ўргандию, удлаброн ўрига айланди-қолди. Мижоз Жумабой Байлапесовнинг "ВАЗ-21063" русумли машинасини тузатишга енг шимарди, бир қанча эҳтиёт қисмлар кераклигини айтиб, қозога ёзиб ҳам берди. Мижоз айтган нарсаларни топиб келтирди. Уста уни хотиржам уйига кузатиб, ўзи эса олиб келинган эҳтиёт қисмларни қайта бозорга чиқариб пуллаб юборди.

Бирок мижозни қачонгача алдаб юради. Шуларни ўйлаб ўғрилик бобидаги усталарнинг намойиш қилмоқчи бўлди. Кузатиб юриб, Нукус Давлат университети ёнида қаровсиз турган Ю. Куликовга тегишли машинани миниб, ўзиникидай гаражга киргизиб, бир зумда бўлақларга бўлиб, Ж. Байлапесовнинг машинасини гижинглатган тойдай қилиб қўйди.

Аста-секин иштаҳаси карнай бўлиб бораётган уста камроқ ишлаб, кўпроқ фойда кўришининг йўллари ни излади. У бир танишин, муқаддам судланган хавфли рецидивист Бозорбой Рейимовни шерикликка унлади ва биргаликда қабих режа асосида

фуқаро Торабой Сержановни машинадан айиришди. Давлат белгиси 23А-9909 бўлган "ВАЗ-2106" русумли машина уста қўлида эҳтиёт қисмларга айланиб, бозорда сотилиб кетди...

Қайфият зўр пайтда яна мижоз келди. Уста Жалғас Гаррибасовнинг машинасини олиб қолиб, сўраб келган одамларга зарур эҳтиёт қисмларини ечиб, сотиб юборади. Кейин уларнинг ўрнини тўлдириш, машинани тузатиш мақсадида шериги билан жиноий тил бириктириб, Хўжайли шаҳри К. Аузов кўчаси 12-уйда яшовчи Ҳамидулла Зийуаровни қақшатишди. Унга тегишли "ВАЗ-2106" русумли машинанинг тақдирини ҳам одаминлардек яқун топди. "Қингир ишнинг қийини қирқ йилдан кейин ҳам чиқади", деганларидек вақти соати этиб, "уста"нинг кирдикорлари фош бўлди.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ходимлари, милиция подполковники И. Жумабаев ва милиция лейтенанти К. Татлимуратовнинг тезкор ҳаракатлари унинг жиноий фаолиятига нуқта қўйди. Ўғри уста қилмишига яраша жазосини олди.

А. КУТИБАЕВ,
милиция подполковниги.

РЎЗА ВА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ

Ислом оламида Рамазони шариф муборак ойлardan бири ҳисобланиб, у ўн бир ойнинг султони дир. Ушбу ойда рўза тутиш фарз қилинган. 11 ой давомида узлуксиз ишлаб турган овқат ҳазм қилиш аъзоларининг рўза пайти 12 соатдан ортиқ ишлашдан тўхтаб туриши вужудга фойда келтириши ва уни турли хасталиклардан сақлаши, фойдали эканлиги исбот талаб қилмайдиган бир ҳақиқатдир. Буни ҳозирги замон тиббиёт фани ҳам инкор этмайди.

Ҳозирги замон тиббиёти:

1. Сил ва камқонлик сингари одамни ҳолсизлантирадиган касалликлар, шунингдек, кўкйўтал ва бошқа ўпка хасталикларига чалинган ҳамда юрак уриши заифлашиб қолган беморларга;

2. Меъда, ингичка ичак ва йўғон ичагида касали бор беморларга рўза тутишни тавсия этмайди. Бунинг сабаби шундаки, овқатланиш тартиби бузилиши, тонг саҳарда овқатланиб, 12-14 соат оч юриш, кечкурун кўп овқат ейиш шу аъзолардаги сурункали касалликларни зўрайтириб юборади. Чунки бундай одамлар ҳар куни камида

4-5 маҳал оз-оздан овқат еб туришлари ва шифокор касаллигининг турли томонларини ҳисобга олган ҳолда буюрган парҳезни тутишлари керак бўлади.

3. Қизилўнғач, меъда ва ўн икки бармоқли ичагида яраси бўлган беморлар рўза тутмайдилар. Чунки очлик бундай одамларнинг ҳолсизланиши ва аъзолардаги оғриқнинг кучайиб кетишига сабаб бўлади;

4. Иситмаси бўлган беморлар рўза тутолмайдилар. Чунки ҳарорати бор одамлар кўпроқ сув истеъмол қилишни хоҳлайдилар;

5. Хафақон касалига чалинган, қон босими баланд ёки паст бўлиб турадиган одамлар;

6. Касалдан янги оёққа турганлар, жарроҳлик операциясидан чиққанлар ва жисмонан заифлар;

7. Моддалар алмашинуви бузилган, хусусан, қандли диабетти бор беморлар ҳам рўза тутмасликлари керак. Бундай беморлар ҳам тез-тез овқатланиб, дори қабул қилиб туришлари, парҳезга қаттиқ риоя қилишлари зарур бўлади. Акс ҳолда, оч қолиш ва белгиланган вақтда дори ичмаслик туфайли оғир аҳволга тушиб қолишлари турган гап;

8. Узоқ вақт давомида сурункали касалликлар туфайли ҳолдан тойиб қолган одамлар ҳам рўза тутмаганлари маъқул. Оч юриш эса уларни йиқитиб қўйиши мумкин;

9. Ҳомиладор аёллар, чақалогини эмизадиган оналар, ёш болалар ва кун давомида оғир жисмоний иш билан шуғулланадиган одамлар рўза тутмаганлари маъқул. Табиийки, одам организми кундузи фаол ҳолатда бўлишга, тунда дам олишга ўрганган. Рўза тутган одамда эса бундай тартиб сезиларли даражада бузилади. Оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланувчи, кўп ҳаракат қиладиган одамлар рўза тутганларида кечга бориб анча толиқиб қолишлари табиий.

Кун бўйи оч юриб, саҳарликда ва кечкурун бирданига кўп овқат ейиш зарарли. Шунинг учун овқатланишдан 15-20 дақиқа олдин бир пиёла сув ичиш, 1-2 хил ҳўл мева, 1-2 хил сабзавот ёки уларнинг шарбатларидан истеъмол қилиб, кейин ҳазм қилиниши энгил, оксил ва дармондориларга, минерал моддаларга, микро ва макроэлементларга бой хилма-хил таомлардан оз-оздан еб туриш тавсия этилади.

Сафар МУҲАММАДИЕВ,
доцент.

РЎЗА ТУТИШ (ОФИЗ ЁПИШ) НИЯТИ

Навайту ан асума совма шаҳри Ромазона минал фажри илал магриби, холисан лиллаҳи Таъала. Аллоҳу акбар.

Яъни: Рамазон ойи рўзасини холис Аллоҳ Таъоло учун субҳдан кун ботгунча тутмоқликни ният қилдим. Аллоҳу акбар.

ИФТОРЛИК (ОФИЗ ОЧИШ) НИЯТИ

Аллоҳумма лака сумту ва бика аманту ва ʼалай-ка таваккалту ва ʼала ризқика афторту, фағфир ли йа Ғоффару ма қоддаму ва ма аххарту.

Яъни: Аллоҳ, ушбу рўзамни фақат Сенинг учун тутдим ва Сенга иймон келтирдим ва Сенга таваккал қилдим ва Сенинг берган ризқинг билан ифтор қиламан. Эй гуноҳларни афв қилувчи Аллоҳ, менинг аввалги ва кейинги гуноҳларимни мағфират қилгил.

Рамазон	Ноябрь	Хафта кунлари	Саҳарлик	Ифторлик
1	6	Ч	5:18	17:14
2	7	П	5:19	17:13
3	8	Ж	5:20	17:12
4	9	Ш	5:22	17:11
5	10	Я	5:24	17:10
6	11	Д	5:26	17:09
7	12	С	5:27	17:08
8	13	Ч	5:28	17:07
9	14	П	5:29	17:06
10	15	Ж	5:30	17:05
11	16	Ш	5:31	17:04
12	17	Я	5:32	17:03
13	18	Д	5:33	17:02
14	19	С	5:34	17:01
15	20	Ч	5:35	17:01
16	21	П	5:36	17:01
17	22	Ж	5:37	16:59
18	23	Ш	5:38	16:58
19	24	Я	5:39	16:58
20	25	Д	5:41	16:57
21	26	С	5:43	16:57
22	27	Ч	5:45	16:57
23	28	П	5:46	16:56
24	29	Ж	5:47	16:56
25	30	Ш	5:48	16:56
26	1	Я	5:49	16:56
27	2	Д	5:50	16:55
28	3	С	5:51	16:55
29	4	Ч	5:52	16:55
30	5	П	5:53	16:55

Саҳарлик ва ифторлик Тошкент вақти билан кўрсатилган.

Тошкент вақти билан тафовут (дақиқа ҳисобида)

Аввал: Андижон – 12, Жамбул, Қўқон – 7, Наманган, Фарғона – 10, Ўш – 14, Хўжанд – 6.
Кейин: Бухоро – 11, Денов – 7, Жиззах – 6, Нукус – 38, Туркистон – 4, Самарқанд – 9, Ургач, Хива – 35, Қарши – 11.

Изоҳ: Рўзанинг бошланиши Ой кўринишига қараб бир кунга фарқ қилиши мумкин.



Гурлан тумани ИИБ бошлигининг биринчи ўринбосари, милиция майори Равшанбой Рўзметов ва тезкор вакил, милиция капитани Фарҳод Йўлдошев иш юзасидан фикрлашмоқда.

Ж. ҚОЗОҚОВ олган сурат.

БОШҚОТИРМА


Маънолари куйида таърифлаб берилган еттита сўзни топиб, уларни шаклнинг тартиб рақамлари билан белгилаб қўйилган қаторларига энига ёзиб чиқинг. 1. Калашников автоматининг қисмларидан бири. 2. Ички ишлар идоралари хизмат фаолиятининг муҳим йўналиши. 3. "Жиноят қидирув инспектори" фильмидаги бош қаҳрамон – милиция майорининг фамилияси (унинг ролини актёр Ю. Соломин ижро этган). 4. Бундан бир неча йил аввал Андижон вилоятида ёвуз ниятли экстремистларни қўлга олиш пайтида мардлик ва жасорат кўрсатиб, ўз жонини фидо қилган милиция полковнигининг фамилияси. 5. Жиноят содир этишда гумон қилинган шахсга нисбатан мажбурий чора кўриш учун прокурор томонидан берилган ҳужжат. 6. Кинодаги "қишлоқ изкувари". 7. Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш мусасаларининг бир тури.

Агар шакл қаторларига жавоб сўзлар тўғри топиб ёзилган бўлса, унда сиз доирачалар чизилган диагональ қаторда эл-юртимиз осойишталиги ва ҳуқуқ-тартибот посбонининг номини ўқийсиз.

Тузувчи Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТГАН СОНИДА БЕРИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

"Мерседес". "Нексия". "Колхида". "Икарус". "Мицубиси". "Бугатти". "Сканиа". "Эстония". "Вольво". "Тойота". "Тантиак". "Протон". "Вартбург". "Варшава". "Таврия". "Москвич".



Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши истеъфодаги милиция полковниги **Асия РАСУЛОВНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Ангор тумани ИИБ бошлиги, милиция подполковниги Х. Норқуловга рафиқаси **ГУЛНОРАНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИБ ЖИЭБ бўлинмаси бошлиги, милиция капитани Муҳаммаджон Ирзаева волидан муҳтарамаси **НОРХОЛ АЯНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Чиноз тумани ИИБ кузаридаги қўриқлаш бўлинмаси милиционер, милиция старшинаси **АДҲАМ АШУРОВНИНГ** бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция полковниги Сафарбой Эгамбердиевга умр йўлдоши. **МУҲАЙЁ БАҲРОНОВНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Bosh muharrir Shuhrat MURODOV

Bosh muharrir o'rinbosari v.b. Murod TILLAYEV

Mas'ul kotib **R. BERDIYEV**
Navbatchi: **S. SHAMSIDDINOV**
Musahhihlar: **M. AKRAMOVA**, **G. XOLIQOVA**

Sahifalovchi: **Z. BOLTAYEV**

TELEFONLAR:

Bosh muharrir o'rinbosari 139-75-69.

Kotibiyat 139-73-88

muxbirlar bo'limi 139-75-69.

Buxgalter 139-75-37.

Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari bo'yicha murojaat uchun faks: 54-37-91
Tel.: 59-23-08

E-mail:

urmvd@globalnet.uz

Bizning hisob raqamlarimiz «Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi. Hisob raqami: 2021000700447980001, MFO 00421.

• Ko'chirib bosishda «Postda» dan ekanligini ko'rsatish shart

• Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.

• Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot qo'mitasida 00007 raqam bilan ro'yxatga olingan Buyurtma Г – 943. Hajmi — 4 bosma taboq. Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish vaqti — 19.00.
Bosishga topshirildi — 19.00.

Obuna raqamlari: Yakka tartibda — 180
Tashkilotlar uchun — 366

40 513 nusxada chop etildi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.

1, 2, 3, 4, 5, 6.